


Овчининг куроли мусодара қилинмайди...ми? ^{6-бет}



Ishonch

*Insonga naf
keltirish —
oliy baxt*

2008-yil 15-may

№ 61 (2474)

payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan



Искандар Нур шахрини
ололмаганми? 4



Чирофи
ўчмайдиган
шоир 5



Ўғрилари тўғрилари 12



Кучлилар Чимкентга боради 14

Ракурс

Жароҳат газак олмасин!..

Агар тил ҳукмронлиги бадийят билангина боғлиқ бўлганида эди, ҳазрат Навоий давридаёқ башариёт туркий тилни ўрганишга киришган бўларди. Бироқ, истасак-истамасак, мустамлакачи давлатлар ишғол этган ҳудудда тартиблари билан бирга ўз тилини ҳам жорий этади. Афсуски, Икки дарё оралигида эллингаштириш, араблантириш, руслаштириш сиёсатлари шу даражада «муваффақиятли» уддаланганки, бугун Спитамену Билга ҳоқон гапирган тил биз учун умуман етдек: чамаси, жуда кўниқувчан халқ бўлсак керак. Қолаверса, мустамлакачи давлатнинг тили ҳам истилочи бўлади: мафкура билан черик чекмай енгилш мумкин. Айни географик кашфиётлар юзага чиққан, «харита — торг» бўлакланаётган ва тўру пойгак масаласи ҳал бўлаётган палла боболаримиз истилочи бўлмагани учун биз айбдор эмасмиз. Бинобарин, «арабийни билмасак — дин, русийни билмасак — дунё қўлдан кетиш»-и-да бор гап. Бироқ, энг аввало, ўз тилимизни борича асраш, ялтироқ темир-терсақлари билан мақтанётганларга қарата «биз ҳам бир миллат вакилимиз, сизлардан кам жойимиз йўқ» дея олиш — ҳамиша ўталадиган бурч.

Яқинда хизмат тақозоси билан бир машваратда қатнашдик: кўрилатган масала — мамлакатимизга тегишли, битта хорижлик меҳмонни ҳисобга олмаганда иштирокчиларнинг бари — ўзбеклар, бироқ бутун йиғилиш рус тилида олиб борилди: вилоятдан келган айрим вакиллар эса эсна-а-а-а-б ўтиришди. Бу ҳам майли, танафусда нуфузли вазирликнинг бошқарма бошлиғидан интервью олаётиб, «Ўзбекча гапира оласизми?» десак, Дурсучасига «Ўзбекча гапиролмайман» деди. Қизик, ота-онаси, миллати ўзбек бўлган, (ўз тили дейишни ҳам қўйинг) давлат тилини билмайдиган бу амалдор шу халқ келажаги йўлида ҳаракат қилармикан?.. Наҳотки, давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича ўзбек амалдорлари ўртасида аттестация ўтказишга тўғри келса?.. Шу даражада ботқоққа ботиб қолдикми?!

Умид ГОФУР ўғли



«Баркамол авлод — 2008»

Икки кундан сўнг Қорақалпоғистон республикасидаги замонавий спорт мажмуалари ҳамда стадионларда ўрта махсус ва касбхунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақалари бошланади.

Стратегик шерикликнинг амалий самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12 май куни Оксаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Суни қабул қилди.

— Корея Республикасининг янги тайинланган Бош вазири ўзининг илк хорижий сафарини Ўзбекистонга расмий ташрифдан бошлагани икки томонлама муносабатларда муҳим воқеадир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Сизнинг ташрифингизни Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорлики янада ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарагининг яна бир далили, деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига асосланади. Президент Ислон Каримов жорий йилнинг феврал ойида Сеулга ташриф буюриб, ушбу мамлакатнинг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди, қатор музокаралар ўтказди. Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни аънавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг замирида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликини кенгайтириш масалалари, халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлар ўхшаш ва яқин эканлиги, ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлиги мужассамдир.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфигирлиги халқаро сиёсат майдонидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун замин яратмоқда. БМТ Бош қотиби лавозимига Пан Ги Муннинг номзоди мамлакатимиз томонидан қўллаб-қувватланган эди. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини ёқлайди. Булар давлатларимизнинг сиёсий масалаларда ҳамфигир эканига яхши мисол бўла олади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан ҳисобланади. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 850 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткичи 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бораётгани, сармоя оқимини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётгани бунинг учун яхши асослар борлигини кўрсатади. Хусусан, Сеул саммити асосида (Президент Ислон Каримов «Korean Air» ва «Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») раҳбарлари билан учрашгани, ушбу музокаралар Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя киритишни назарда тутадиган натижалар билан яқунлангани бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея юқори технологиялар соҳасида ҳамкорликнинг бой тажрибасига эга. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айна пайтда барқарор даромад келтирадиган соҳаси саналган автомобилсозлик саноатини ишга туширишда корейлик шериклар билан алоқалар муҳим ўрин тутгани яхши маълум. Айна пайтда саноатнинг бошқа соҳаларида юқори технологияли тармоқлар, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг турлири ўзлаштирилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида ўзаро ҳамкорликда очилган Ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ривожига «Ўзбекистон – Корея Республикаси» дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи Корейс таълим маркази муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида корейшунослик кафедралари ташкил этилиб, 112 мактабда корейс тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Хан Син Су Президентимиз Ислон Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз мамлакати Ўзбекистон билан стратегик шериклик даражасига чиққан муносабатларни қадрлашини, ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Корея Бош вазири Самарқанда

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев хамроҳлигида Самарқанд шахрига келди.

Меҳмонлар Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилиб, Соҳибқирон хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Регистон мажмуидаги тарихий обидалар ва бу ерда намойиш этилган миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси корейлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида ажодларимизнинг буюк маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга юксак баҳо бердилар.

Меҳмонлар Улугбек расадхонаси ва «Афросиёб» музейида ҳам бўлдилар.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири



Ислон Каримов

ЮКСАК
МАЪНАВИЯТ –
ЕНГИЛМАС КУЧ

«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайтишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этикодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавият ҳақидаги бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг яқинда «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан ўрин олган.

Шу йил 14 май куни «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг мажлислар залида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари ва фаоллари, атоқли олимлар, файласуфлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият номандалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Самимий мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтган маросимда китобнинг маъно-мазмунини, унда илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун бекиёс аҳамиятга эга экани таъкидланди. Муаллифнинг маънавият ҳақидаги, унинг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва таъсири тўғрисидаги кўп йиллик кузатишлари, фикр-мулоҳазаларининг маҳсули бўлган бу асар

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобининг тақдимот маросими

ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асослангани билан кўпчилиكنинг эътиборини ўзига тортди эътироф этилди.

Тадбирда фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Назаров, таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби А.Расулов, сиёсий фанлар номзоди, доцент Н.Умарова, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуროнов, кинорежиссёр Ж.Қосимов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, филология фанлари доктори Ш.Сирожиiddinov, тележурналист О.Тошбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, китобда ўртага қўйилган муҳим ижтимоий-маънавий масалаларнинг моҳияти хусусида атрафлича фикр билдирдилар.

Бўлиб ўтган давра суҳбатида маънавият тушунчасининг илмий-назарий, тарихий ва замонавий тамойиллари китобда ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини топгани, шу билан бирга, бугунги мураккаб даврда маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг қучайиб бораётгани ва бундай хатарларнинг тўб илдиэлари кўрсатиб берилгани ҳам қайд этилди.

Маълумки, бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Бу ҳақиқат давлатимиз

раҳбарининг олдинги асарларида ҳам кенг шарҳлаб берилган эди. Мазкур китобда бу масала янада чуқурроқ таҳлил этилади. Жамият ҳаётида, инсонлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган тақдирда уни бегона мафкура ва қадриятлар билан тўлдиршига уринадиганлар албатта топилиши ҳаётий мисоллар орқали исботлаб берилди.

Бу китоб бугун остонамизга ёпирилиб келаётган ана шундай хавф-хатарлардан огоҳ этиб, барчамизни яна бир бор сезгирлик ва ҳушёрликка даъват қилиши, эл-юртимиз, ёшларимизни турли хил мафкуравий хуружлардан асраш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши тақдимот маросимида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муаллиф ўз китобида инсонни юксалтирадиган эзгу фазилатлардан бири бўлмиш маънавий жасорат ҳақида тўхталиб, **«Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз»**, деб ёзди.

Шу маънода бу китоб ҳар биримизни маънавий жасорат кўрсатиб, доимо юксак мақсадларни кўзлаб яшашга чорлаши билан аиниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

(ЎЗА)

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 13 май куни Оксаройда Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюдани қабул қилди.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерикларидан. Юртимизда индонезиялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган «Uzbekistan International» (телекоммуникация соҳасида маркетинг хизмати), «PT Hikmah Albro» (меҳмонхона хизмати) каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Индонезия халқи Ўзбекистондаги тарихий обидаларга улкан қизиқиш билан, буюк аж-

додларимиз қолдирган бебаҳо меросга катта ҳурмат билан қарайди. Айна пайтда халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги мазмун билан бойитишга «Ўзбекистон – Индонезия» дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1997 йилда Самарқанд ва Банда-Ачех шаҳарлари ўртасида Биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланган. 2001 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сер-

вис институтида Индонезиядаги умуммиллий тил – баҳаса индонези тилини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ҳ.Вираюданининг ташрифи асосида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳукуматларо меморандум имзолангани Ўзбекистон ва Индонезия барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдори эканидан далолатдир.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюда 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

Ҳ.Вираюданинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан музокарасида мамлакатимиз билан Индонезия ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари қўламини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Индонезия делегацияси аъзолари пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар.

Тошкентда 13 май куни Ўзбекистон ва Индонезия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда Индонезиянинг ўнга яқин компаниясидан вакиллар иштирок этди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Индонезия ишбилармон доиралари вакиллариининг кооперацияси биржаси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари бир қатор соҳаларда ҳамкорликини йўлга қўйишга қелишиб олдилар.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Юракдаги машъала



Муборак чўлларида тонгни қаршилаганмисиз? Кўмтепалар узра илон секин сирғалади. Юмронқозик ўзига уя қавлайди. Саксовуллар орасида тўлки увиллайди.

Ўттиз беш йил аввал ёқиб қўйилган машъала борлиққа нур сочиб, тўнни чарогон этади.

Қок ярим кечада уйқуси қочган Акрамжон дашт хавосидан кўксини тўлдириб нафас олар экан, бўлутларни ёриб ўтган қадрдон заводи миноралари-га фохр билан тикилди.

Ўрта мактабни тугатиб, туман йўл қурилиш бошқармасида таъмирловчи уста бўлиб ишлади. 1988 йили Тошкент политехника институтини битириб, Усмон Юсупов тумани газ қорхонасида технологик назорат устаси, кейинчалик Муборак туман газлаштириш идорасида бош муҳандис сифатида фаолият кўрсатди. Мана, саккиз йилдирки, Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси билан тақдирини боғланган.

Кўп йиллар касабга уюшма кўмитасига раислик қилган Меҳмонкул Нурмуродов директор ўринбосари вазифасига кўтарилиб, ўрнига талабчан ва жонқуяр мутахассис Акрам Ҳамроевни тавсия этди ва бундан тўрт йил илгари у ўшбу лавозимга сайланди.

Касаба уюшмасида ишлаш орқаваротдан осон кўрингани билан ўзига яраша қийинчиликлари бор эди. Ўзинг учун эмас, одамлар учун ёниб яшаш ҳазилакам иш эмас.

Бир кун оқддий ҳайдовчи Хонкул Нунаев тўсатдан вафот этганида ҳаммадан кўп Акрамжон қайғурди. Маъмурият ва касабга уюшмаси унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатди.

— Ҳаёт тасодифларга тўла, — деди муовини Сайёра Муродова. — Фаолларни ёниб қолган олиб, таъзиядорлардан кўнгли сўраб турунг. Уйдаги ва қорхонада ишлаётган фарзандларига мададкор бўлиш бурчимиздир.

Касаба уюшмасида иш бошлаганининг биринчи ҳафтасида маъмурият ва уюшманинг қўшма йиғилиши бўлди. Унда меҳнат муҳофазаси масаласи чуқур таҳлил этилди. Аччиқ-тизиқ гаплар ҳам бўлди.

— Кўнглисиз ҳолларга йўл қўймаслик учун ишчиларнинг касбий, техник ва умумтаълим даражасини, маънавиятини ошириш керак, — дейди касабга уюшма етакчиси. — Йил бошидан бери уч юздан ортиқ киши ўқитилиб, касбга қайта тайёрланди. Яқинда мутахассисларимиз «Муборакнефтьгаз» қорхонасида ўтказилган ўқув семинарида иштирок этишди.

Жамоа шартномасини бажариш жараёнида касабга уюшма вакиллари иш жойларида тозалик ва тартибни назорат қилиш, теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш, ёриткичларни рационал жойлаштириш ва бошқа масалалар юзасидан маъмуриятга тақдимнома киритдилар.

— Жамоамизда ҳеч ким эътибордан четда қолган эмас, — дейди механик-таъмирлаш цехи темирчиси, Ўзбекистон қаҳрамони Қобил Мўминов. — Меҳр-оқибат, бағрикенглик, соғлом маънавий вазият қарор топган. Касабақўм раиси қорхонада ишлаб, нафақага чиқиб кетган кексаларни тез-тез йўқлаб туради.

Кеча 300 нафар қарияга совға-салом улашилди. Рашида Музаффарова, Аҳмад Мамадамино, Людмила Шевцова каби пенсионерлар бу ғамхўрлик учун касабга уюшмасидан миннатдор эканликларини изҳор этдилар. Акрам қишлоғидаги 4 та кам таъминланган оилага ўзининг маоши ҳисобидан 400 кг. бугдой олиб берди.

— Акрамжон ҳам директорини ўқтам Умаров каби теран фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ўзини тута оладиган, зарур бўлганда суҳбатдошига камчиликларини ёниги билан айтиб, нуқсонларини бартараф этишига кўндира оладиган одамхон йигит, — дейди завод маънавият ва маърифат маркази бошлиғи Юсуф Сиддиқов. — Касбини ардоқлаш, эл-юртига садоқат билан хизмат қилиш унинг кундалик аъмолига айланган. Фаросатли, андишали, адолатли раҳбар.

Йилига 30 млрд. кубометр табиий газни қайта ишлаётган, маҳсулотнинг кўп қисмини хорижга экспорт қилаётган, йигирмадан зиёд миллият вакилларидан ташкил топган катта жамоада касабга уюшмасининг ўз ўрни бор.

Цехларда 23 та бошланғич ташкилот, 9 нафар фаолдан иборат кўмита фаолият кўрсатаяпти.

Касабақўм аъзоларига вазифалар аниқ тақсимланган. Камола Жўраева хотин-қизлар кенгашининг раиси сифатида аёллар ўртасида маданий-маърифий ишларни юқори савияда ташкиллаштирган. Унинг ташаббуси билан қорхонада ишлаётган ҳомиладор аёлларни белгиланганидан икки ой олдин таътилга чиқариш йўлга қўйилган.

Сайёра Муродова маданият ва спорт ишларига масъул. Заводнинг «Аланга» волейболчи қизлар жамоаси икки йилдан бери республика мусобақаларида совринли ўринни эгаллаб келяпти.

Касаба уюшма кўмитаси ҳузурида «Нихол» ашула ва рақс дастаси ташкил қилинган.

«Ёшлар йили» дастурига мувофиқ 100 дан ортиқ йигит-қиз Тошкент шаҳри, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларининг тарихий жойларига саёҳатга бориб келди. 58 та ёш оилага 2 млн. 161 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қарши ва Муборакда ёш оилаларга уй-жой қуриб бериш учун 20 гектар ер ажратилди.

— Ойлик маошлар ойма-ой бериб борилади, — деди меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Тўлқин Шомуродов. — Иш ҳақидан қарзимиз йўқ.

Муборак чўлларида бунёд этилган мазкур қорхонада қайта ишланган газ Россия, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилинапти.

Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳондаги турдош қорхоналар орасида етакчилик қилаётган улкан маъмуа ўтган 35 йил мобайнида 650 млрд. кубометр газ, 9,5 млн. тонна олтингугурт, 8,5 млн. тонна газ конденсати, 160 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарди.

— Заводимиз ва Россиянинг «Лукойл» компанияси ўртасида шартнома имзоланди, — дейди касабқўм раиси. — Унга кўра қорхонамиз келгич икки йил мобайнида Ҳовузак ва Шоди конларида қазиб чиқариладиган 2 млрд. 940 млн. кубометр газни қайта ишлайди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника

хавфсизлиги аниққаса муҳим. Энг асосийси халқаро ISO-9001 стандартига мос келадиган сифат менежменти тизими жорий этилиши қорхонанинг дунё миқёсидаги нуфузини ошириди.

— Эндиликда халқаро OHSAS 18001 стандартидаги касбий хавфсизлик ва соғломликни бошқариш ҳамда ISO-14001 стандартидаги экологик менежмент тизимларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган, — дейди меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи Мустафо Курбонниёзов.

Бунинг учун «SMS Systems» компанияси билан ҳамкорлик қилинапти.

— Жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёзлар бўйича 639 млн. сўм сарфланди, — дейди касабга уюшма кўмитаси бош ҳисобчиси Зоя Трофимова. — Бу ҳар бир ходимга 256 минг 499 сўмдан тўғри келади. Ишчиларга қулай шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда. Ҳар йили жамоадорларимизнинг 200-300 нафари турли сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклайди.

Заводга қарашли 200 ўринли тиббиёт-санитария қисмида жаррохлик, гинекология, кардиология, жонлантириш бўлимлари, бундан ташқари, 3 та врачлик, 12 та фелдшерлик пункти ишлаб турибди.

— Моддий рағбат — руҳий қувватдир, — дейди касабга уюшма раиси. — Бултур ходимларни муқофотлашга 1 млрд. 194 млн. 269 минг 700 сўм сарфланди. Йил якуни бўйича 808 млн. сўм қўшимча муқофот тўланган. Савоб учун Шахрисабз туманидаги 87 оилага 13 млн. сўмлик озиқ-овқат, Қосон туманининг Гувалак қишлоғида яшовчи кам таъминланган оилаларга 60 та тикув машинаси, Китоб туманидаги 4-Меҳрибонлик уйига 2 та компьютер, 6 та мактабга факс аппарати олиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Миришкор ва Чироқчи туманлари қишлоқларининг аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга 539 млн. 722 минг сўм сарфланди.

— Заводнинг касабга уюшма кўмитаси энг яхши ташкилот сифатида эътироф этилди, — дейди ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Жумакул Курбонов.

— Отам Жўра бобо Ҳамроев 74 ёшга кирди, — дейди Акрам. — У киши доимо ҳалол яша деб насиҳат қилади. Умр бўйи мироблик қилиб, чўлларга сув чиқариб, савоб амалларга қўл урган отамизнинг ўғитлари ҳамиша қўлогим остида жаранглайди.

Акрамжоннинг оиласида бир-биридан эсли-хушли олти фарзанд вояга етмоқда. Катта қизи Хулқар ота изидан бориб, Тошкент кимё-технология институтини таълим олаётган бўлса, Гулрух шифокорликни танлаган. Юлдуз, Мангуберди иқтидорли болалар лицейида ўқияпти. Хали бошланғич синф ўқувчилари Султонпошша ва Маҳлиёллар оналари каби муаллим бўламан дейишади.

...Акрамжон кечаю кундуз гуруллаб ишлаётган улкан заводга киревришдаги «зангори олов»га ҳар гал кўзи тушганда инсонга наф келтиришдек улғу ишга ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланади. Мовий осмонни ёритиб турган машъала юрагини қизитиб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Давлатёр Қаландаров бирон натижага эришилмаган кунни бекор ўтказдим деб ҳисоблайди. Бу одат унга болалигида синган. Отаси ҳар кун кечқурун ака-укалари қатори уни ҳам ёнига чақириб «Қани, болам, бугун нима иш қилдинг» деб сўради. Бу саволга қониқарли жавоб қайтариш ҳар доим ҳам осон кечавермасди. Ана шу сўровга жавоб топиш учун у китоб мутолаасига киришди. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом асарларининг муҳлисига айланди.

— Китоблар тўғрисида ҳар бир кун бир ҳикмат эканлигини англадим, — дейди у бугун фарзандлари ва шогирдларига. — Шундан бундан ҳар кунни янгиликка интиламан, ҳар лаҳзадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.



Кувонч ва ташвишларга йўғрилиб

1970 йили ўрта мактабни тамомлаган Давлатёр орадан бир йил ўтиб, Қорақалпоғистон Давлат педагогика институтини рус тили ва адабиёти факултетига ўқишга кирди.

Ўқитувчилик дипломини қўлга киритган ёш мутахассис тумандаги 52, 15, 53-ўрта мактабларда ёш авлодга сабоқ берди. Ўн йилдан ортиқ муддат 53-мактабда ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади.

— Салкам ўттиз йиллик фаолиятим давомида ўқитувчилик нақадар масъулиятли касб эканлигини англадим, — дейди Д. Қаландаров. — Рус тили ва адабиётидан сабоқ берарканман, Лермонтов фалон йили туғилган, фалон йили вафот этган ёки Толстойнинг фалон асари бор деган гаплар билан чекланишни ёқтирмасдим. Ҳар бир шоир-ёзувчининг китобларини дарсга олиб келар, уларни ўқувчиларнинг уйига бериб юборар, улар ҳақидаги фикрларини ишқоларда ифодашларини талаб қилардим. Рус тилини шунчаки сиёсат учун эмас, балки кўпроқ билим эгаллаш учун ўрганиш кераклигини ўқувчиларимга тушунтирдим. Меҳнатларим зое кетмади. Кўплаб собиқ ўқувчиларим бугунги кунда нуфузли идораларда хизмат қилишади, адабиётга ошно эканликлари аксарият ўқувчиларимнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмак берган.

Бугун шогирдларининг барчаси Давлатёр акадан миннатдор. Улар тез-тез устозни йўқлаб келишади, ҳаёт кувонч ва ташвишларини у киши билан ўртоқлашади.

Берунийлик маорифчилар 2004 йили Давлатёр Қаландаровга ишонч билдириб, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси раиси этиб сайлашди. Янги соҳага киришиб кетиш қийин бўлмади. Таълим ходимларининг ҳаётини яхши билиши, уларнинг аксариятини таниши, қолаверса, собиқ курсдошлар мадади қўл келди.

Эндиликда 5707 нафар аъзонинг ҳаммаси кенгаш мададини ҳис қилади, касабга уюшмасига суянади. Кенгаш раиси ҳар кун жойларда бўлиб, аъзолар билан суҳбатлашади, уларнинг фикрларини тинглаб, тақлифу талабларини инобатга олади.

Туманда 67 мактаб, 8 та мактабдан ташқари муассаса, 53 та боғча фаолият кўрсатади. Ўтган йили 18-боғча-мактаб реконструкция қилинди, 18-мактаб таъмирланди, 11-мактаб биноси янгидан қурилди. Айни кунларда 2, 13, 15-27-мактабларда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Муассасаларнинг ҳар бирида кенгашга кўмакдош касабга уюшма фаоллари бор. Улар билан мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги, нафақат жамоа шартномаларининг тўлақонли ижросини таъминламоқда, балки аъзоларга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш имконини бермоқда.

Ўтган йили 60 та ариза қўриб чиқилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Йил давомида аъзолардан 18 нафари республика санаторийларида, 8 нафари Абдулла Авлоний номи санаторий-профилакторийда дам олдилар. Соҳада меҳнат қилаётган афғон уруши қатнашчиларига 190 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Аъзоларнинг 200 га яқин фарзандлари оромгоҳларда дам олдирилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фаришларига моддий ёрдамлар кўрсатишга эришилди. «Соғлом она — соғлом бола» шиори остидаги хотин-қизлар спартакиадаси, таълим ва фан ходимларининг саккизинчи спартакиадаси аъзоларнинг катта қисмини қамраб олди.

Айни кунларда ободонлаштириш тадбирлари билан бирга ёшлар дунёқарабини янада бойитиш мақсадида турли танловлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Баҳор нафақат ободонлаштириш мавсуми, балки эиёратлар ва саёҳатлар фасли ҳамдир. Ўшбу кунларда соҳа ходимларининг, ўқувчи-ёшларнинг қадимий ва навқирон гўшаларга, муқаддас қадимжоларга саёҳатлари уюштирилмоқда. Албатта, бу сафарлар таъминимиздаги муқаддас гўша — Султон Увайс бобо эиёратгоҳидан бошланмоқда, — дейди Давлатёр ака.

Давлатёр ака нафақат ишда, оилада ҳам ибрат намунаси. 7 фарзанд, 4 невара ўз оталари билан фахрланишади.

Бугунги кечадан, эртани бугундан сермазмун, чиройли қилишга иштиёқмандлик Давлатёр Қаландаровнинг шиорига айланган. Давлатёр ака инсонга наф келтириш — олий бахт эканлигини ҳис қилибгина қолмай, буни бошқаларга ҳам уқтира билган инсондир.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ўн йилларча аввал «Нурота чашмасидан нур чиқибди» деган гап тарқалди. Тошкент сейсмология институти директори, профессор А.Султонхўжаевнинг бу ҳақда оммавий ақборот воситалари орқали чиқишини эшитиб, олим Тўлқин Зокиров билан боғланганимда, домла: «Бу физик жараён, нурнинг бугларда синиши оқибатида пайдо бўлган» деган фикрни айтган эди. Олимлар ҳам фан нуқтаи назаридан ҳақдир, аммо қизиги, бу нур ҳар доим ҳам пайдо бўлавермайди.

Биз Нурота тарихини ёзиб кетган муаррихларнинг фикрига эътироз билдиришдан йироқмиз, бу баҳс-мунозарани тарихчилар ҳукмига ҳавола қиламиз. Қолаверса, бу ердаги қоятош тилсимлари очилиб, фанда уларга ойдинлик киритилса, кўп тахмину сирлар очилиши шубҳасиз. Ҳозирча кексалардан эшитган ва кўрганларимиз асосида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Нурота ҳақида ривоятлар, маталу афсонага ўхшаш ҳикоялар халқ орасида кўп бўлиб, уларнинг энг қадимийларидан бири Искандар Зулқарнайнга бориб тақалади. Бу ҳақда жаҳонгир билан ҳарбий юришларда бирга бўлган Эвмен ва Диодат исмли солномачилар ҳамда ўрта Осиёни эгаллашда бирга бўлган Птолемей, Арасту асарларини ўқиб-ўрганган

тарихчилар Искандарнинг Нур шахрини босиб олган олмаганлигига аниқлик киритиши мумкин. Биз эса Искандарнинг Нур шахрини босиб олмоқчи бўлганлиги тўғрисидаги ривоятни ёдга оламиз. Бу ривоятни мулла Хизир (Хидир) ўғли мулла Насриддиндан ўтган асрнинг эллигинчи йилларида эшитганман.

Искандар Зулқарнайн кўп жойларни босиб олгач, навбат Нур шахрига келибди. Шаҳар мустаҳкам қалъа девор билан ўралган экан. Шарқий дарвозага келиб тўхтаган жаҳонгир барча мунажжимларини чақиртириб, «Нур шахрини қандай

оламиз?» деб сўрабди. Мунажжимлар юлдузларга қараб, ҳудди келишиб олгандек, «Шоҳим, Нур шахрининг йўли берк, сизга уни олиш насиб қилмас экан»,

Зулқарнайн

Нур шахрини ололмаганми?



деб жавоб беришибди. Шох бу қутилмаган жавобни эшитиб, мунажжимлардан хафа бўлибди. Ўзи эса тунда мижжа қоқмай режа тузиб, тонг ёришгач, Нур кўрғонига назар ташлабди. Кўрғон устида «ётган» қора булут ва шахарни қоплаб олган туманни кўрибди. Тоғдан, яъни кўрғон томонда қандайдир ёруғ шуъла самога чўзилиб кетган, унинг таъсирида булутлар гўё ёнгандек кўринар, ёруғ нур шафақлари остидаги манзара жуда ваҳимали экан. Искандарга Нур қалъасини кўриқлаётган лашкар ўзининг аскарларидан ўн баробар кўп кўриниб кетибди.

Аёнларига: «Чорасини топинглар!» дебди. Улар маслаҳатлашиб, чап томондаги пастроқ кўринган тоғни мўлжал олишибди: «Шу тоғдан ошамиз, маҳаллий айғокчиларимизнинг айтишича, у ердаги Обикон сойи яшашга қулай, сувга сероб жой эмиш. Қолаверса, Девибаландга шу сой орқали ўтамиз ва бориб Пошшодни оламиз» дейишибди. Бу таклиф Искандарга ҳам маъқул тушибди. Чунки ўнг томонда Қизилқум чўли, ундан ўтиш қийин, рўпарада эса Нуро-

та! Искандар бу таклифни қабул қилибди. Қўчат, Тошбулоқ, Резаксойлар орқали улар тоғдан ошиб суви мўл, хушманзара Обикон сойига етиб келишибди. Искандар бу сўлим, тинч жойда дам олиб, лашкарлари орасидан туркларни Обиконда қолдириб, уларга шу сой ва қишлоқни инъом этиб, хатлаб берибди. Шу-шу Обикон қишлоғи ўз-ўзидан Зулқайнар номи билан аталибди.

Искандар эса Девибаланд кўрғонини ишғол қилиб, сўнгра тоғ оралаб Пошшод шахрига кетибди.

Нурни ололмаган аламзада Искандар Пошшод шахрини ер билан яқсон қилибди. Бу шахар харобалари ҳамда катта қабристон, бозор расталарининг ўрни ҳозир ҳам тарихнинг гувоҳи сифатида туради.

Зулқарнайн номи билан боғлиқ, халқ тилидан ҳозир ҳам тушмай келаётган бундай ривоят ва ҳикоятлар асосида маълум даражада ҳақиқат бор. Демак, Искандарнинг Нур шахрини ололмагани тўғрисидаги ривоятнинг ҳақиқатга жуда яқинлигини тарихий далиллар исботлаб турибди.

Зулқайнар қишлоғи

аҳолисини қўшни қишлоқдагилар хануз «турк»лар деб аташади. Шунинг учунки, Искандарнинг «йўлга ярамай қолиб кетган» аскарлари ҳақиқатан ҳам турклар бўлиб, шу ерлик туркий маҳаллий миллатлар билан аралашиб, қоришиб яшаб кетган. Шунга ўхшаш Искандарнинг номи билан боғлиқ ўнлаб жойлар буюк жаҳонгир ҳақиқатан ҳам Зулқайнар қишлоғида бўлганлигидан далолат эмасми?..

Собира Бўлдиеванинг «Нурота» эссесидан Нур мавзеси милоддан аввалги III асрда мавжуд бўлганлиги ҳақида тарихий маълумотлар кўп. Нур қалъаси тарихини Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг ўқитувчиси Д. Нозилов, профессор А. Муҳаммадиевлар ҳам ўрганиб, Нур қалъаси антик даврда барпо этилгани ҳақида маълумот берган. Нур қалъасининг Нурбулоқ чашмаси билан боғланиб турган ер ости йўллари ҳамон сақланган. Ўқувчилик йилларимизда, яъни ўтган асрнинг олтинчи йилларида дўстларимиз билан қалъага кўп чиққанмиш ва ер ости йўлакларидан бир неча бор юрганмиз. Ш.

Исмоилов ўзининг «Судур бобо ёхуд Нурота тарихидан саҳифалар китобида» ер ости йўлаклари (ғорлари)да ишлатилган ғишлар ўлчам, тузилиши жиҳатидан Узунқир, Ерқўрғон, Чордара кўрғонлари ғишларини эслатади ва уларнинг ёши милоддан аввалги XI-IX асрга тўғри келиши ҳақиқатга яқинлигини таъкидлаган.

Нур қалъаси «Етти қароқчи» ёки фан тилида «Катта айиқ» деб аталувчи юлдузлар туркумига ўхшатиб қурилган. Бунда ҳам биз билмаган сирли маъно бўлса ажабмас. Қалъа чашма сатҳидан 168 метр, унинг ўртадаги Қоровуллар супаси эса 68 метр баландликдадир.

Искандар милоддан аввалги 329 йилларда бу ерлардан ўтганида шахар ҳозирги ҳолатидан 3-4 баробар катта бўлган. Шунга кўра ҳисоблаб кўрилса, Нур шахри Марказий Осиёдаги энг қадимги шахарлардан бири бўлганлигига шубҳа йўқ, бу ҳақиқат яқин келажакда ўз исботини топса ажаб эмас.

Жўракул Йўлдошев,
геолог

Прагада осмон ёнди

Рақамларга қараганда, бугун мамлакатимизда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари сони 15889 нафарни ташкил этар экан. Шулардан бири Қашқадарё вилояти Камаши тумани «Чим» жамоа хўжалиги Қизилсой қишлоғида яшовчи 87 ёшли Эшқобил бободир. Бу табаррук отахоннинг хонадонидан бўлиб, ўтмиш ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— 16 ёшимда фронтга жўнадим. Бизнинг тумандан бир кунда 47 кишини олиб кетишди. Илк бор Украинада жангга кирдим. 1943 йилга келиб душманларни чекинтирдик. Венгрия, Руминия ва Бухарестда қаттиқ жанглар бўлди. Қишлоқдошларимдан 6 кишигина омон қолдик.

Бобо беихтиёр сукутга чўмади. Гарчи қулимсирашга уринаётган

бўлса-да, хотиралар қийнаётганини сезиш мушкул эмасди.

— Максиминка деган взвод командиримиз бор эди. Унинг кўплаб ўғитлари ҳамон қулоғимда жаранглайди.

— Чўнтагингга пул олиб юрма. Агар тирик қолай десанг, ҳеч қачон борган жойингдан бирон нарса олма. Таёқ есанг айтма, бировни қўлинг билан кўрсатма.

Энг муҳими, ҳаром иш қилма.

Кейинги кунлардаги қаттиқ жангларда содир бўлган воқеалар унинг гапларини батамом тасдиқлади. Бир сафар Будапештда бомбардимондан қочиб, туркман ва рус дўстим билан бирга дўконга бекиндик. Бомбардимон тингач, дўконга разм солдик. Тилла буюмлар тўкилиб ётарди. Лекин Максиминканинг ўғитлари учаламиз учун ҳам қонун эди. Бироқ 6-7 нафар сафдошларимиз ҳам шу дўконга бекинган экан. Улар ўринларидан туриши билан халталарини тиллага тўлдириб олишди. Бизнинг қайтаришимиз бесамар кетди. Улар дўкондан чиқиши би-



лан устига бомба тушиб, ҳаммаси ўлди. Биз эса ерни ўпиб ётардик...

Б о б о давом этади:

— 1945 йили Прагада эдик. 40 кун жанг бўлди. 41-куни тонгда танкимнинг радиосини тинглаб ўтиргандим. Қутилмаганда янграган эълон ақлимни шоширди:

— Биродарлар, уруш тугади!.. Ўша кун мушаклар ва ракеталар отилиб, Прагада осмон ёнди!..

Яратганнинг инояти билан 1947 йили соғ-саломат она қишлоғимга қайтдим. Келсам, Бобоназар, Жуман, Амин, Эшқобил ва Аллаёр деган бештагина сафдошим қайтибди. Танам соғ, аммо

қон-қонимгача қизил ранг — қон халқоблари сингиб кетганди. Шу боисдан ҳам 50-йилларгача биронта товۇқ ёки эчки сўйиб, қонига қараб туришдан ўзимни тийелмай юрдим.


1947 йили қишлоқнинг кино уйида уруш ҳақида ҳужжатли филм намойиш қилинди. Одам тўла залда иккита жангчи қолдик. Сўнг мен ҳам хушимни йўқотибман.

Бобонинг оғриқларини ҳис қиламан. Ортиқ қийнагим келмайди. Гарчи ҳикоялар жудаам таъсирли бўлса-да, энди уруш ҳаёлларига фарқ бўлган бобога мустақиллик ҳақида савол бераман.

— Мустақилликнинг нақадар улуг бахтлигини айтиб тугатолмайман. Аввало тинчлик, соғлиқ, осойишта ҳаётнинг ўзини нимага тенг қилиб бўлади?! Тилагим — юрт тинч бўлсин!

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Чироғи ўчмайдиган



Ўн етти ёшда эдим. Шухрат акани кидириб Тошкентга келдим. Ёзувчилар уюшмаси биносига яқинлашганимда, ичкаридан икки одам чиқиб келди. Уларга салом бердим-да, бинога кирдим. Унг қўлдаги бурчакда ўтирган бир аёл киши: «Сизга ким керак эди?» — деб сўради меҳрибонлик билан. Айтдим. «Хозир чиқиб кетдилар-ку, Шухрат ака! Кўрмадингизми?» — деди аёл кулиб. Югуриб ташқарига чиқдим. Анчагина нарида чап йўлдан ҳалиги икки одам охира кетишмоқда эди. Орқаларидан чопдим. Кейин билсам, улар Шухрат ака билан Ваҳоб Рўзиматов экан. Ўшанда Шухрат ака дефтаримни эринмай кўриб чиқиб, илик сўзлар айтган, танлаб олган шеърлари эса кейинчалик «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиққан эди.

Келажак тонгига қилдим мен ҳавас.

Адиб насри адабиёти-мизнинг ўзига хос саҳифаларидан саналади. Унинг «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» романлари, «Бир кеча фожиаси» қиссаси, ҳикоялари, «Беш кунлик кувёв», «Кўша-қаринглари» драмалари ўқувчилар томонидан севиб ўқилади. Ёзувчи асарлари — унинг фарзандлари, ҳар бирининг ўз қисмати бор. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бу асарларнинг тили ширали, воқеалар ривожини табиий кечади, адиб уларга нисбатан ҳеч қанақа «куч ишлатмайди», ҳаммасини қаҳрамонларнинг ўзига қўйиб беради. Шухрат ака «Олтин зангламас» романини бутун қалб кўри, ақлу тафаккури, меҳру муҳаббат билан қозғат қилди. Бу унинг шахсий ҳаёти эди, лекин шахсий ҳаёт бир восита вазифасини бажарди, холос. Адиб ўша йилларда жасорат билан кўтариб чиққан мавзу жуда муҳим эди ва ҳозиргача шундай бўлиб келмоқда. Бу адолат ва ҳақсизлик ўртасидаги мангу курашдир. Ҳа, адолат — олтиндай, у вақтинча унутилиши мумкин, аммо ҳеч қачон зангламайди.

Шухрат ака адабиёт учун меҳнатни кўп қилган, лекин замон сийловини кам кўрган адиблардан эди. Боиси, у тўғри сўз, ялтоқланишни зинҳор ёқтирмайдиган, ҳамиша ҳақиқат томонида турадиган инсон ва адиб эди. Турли пайтларда ҳар хил адабий камситишларни бошдан кечирарди. Менимча, етмишинчи йилларнинг охири бўлса керак, Шухрат акага нисбатан ана шундай камситишлар бўла бошлади, чиқиб турган китоблари ҳам тўхтаб қолди. Сабабини билмоқчи бўлиб таҳририятларга борса, адибга, газета расмий материаллар билан банд бўлиб қолаётган, дейишар, нашриётда эса, қозғат танқислигини рўқач қилишарди. Холбуки, ўзгаларнинг китоблари кетма-кет чиқиб турарди...

Шухрат ака ўша вақтдаги раҳбар Шароф Рашидов қабулига боради. Учрашувда, Шухрат аканинг ўзлари кейин айтиб беришларича, шундай суҳбат бўлиб ўтади:

— Шароф ака, бир нарсани маълум қилмоқчи эдим... — дейди ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин Шухрат ака. — Нима учундир асарларимни босмай қўйишди. Сабабини билмайман...

— Нимага босишмас экан? — ҳайрон бўлади Шароф ака. Шу заҳоти телефон орқали мафкура котибидан сўрайди: — Нима учун ёзувчи ва шоир Шухратнинг асарлари босилмаётди? Ким уларни тўхтатиб қўйди? Нима учун жой-

ларда буни Марказий Комитетнинг фикри қилиб кўрсатишмоқда?

Бироз телефонга қулоқ солиб тургандан сўнг, Шароф ака давом этади:

— Шундай бўлсин. Дарров жойларга кўрсатма беринг. Шунга айтиш, адиб Шухрат ҳақида Марказий Комитетнинг фикри яхши! Дарвоқе, сиз унинг «Шинелли йиллар» романини ўқиганмисиз?.. Яхши. Бу роман уруш ҳақидаги асарлар орасида энг яхшиларидан бири. Нашриётга айтинг, шу роман қайта нашр этилсин.

Шароф ака телефон гўшагини қўйиб, юрагига нур инган адибга юзланади:

— Биласизми, Шухрат, орамизни бузғувчилар кўп, шунга эҳтиёт бўлайлик. Бировлардан эшитган гапларга ишонманг. Бирор гап-гиз бўлса, келинг, тортинманг, ўзимга айтинг. Ижодингизга муваффақият тилайман.

Шу куннинг эртасигаёқ етакчи газеталарда бирин-кетин Шухрат асарлари эълон қилинади. Шу йили «Шинелли йиллар» романи кўп нусхада қайта нашр этилади...

1965 йилда Москвадаги Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил олардим. Шухрат ака ўз асарларини кўпинча Москва ёнидаги Малеевка деган жойда, ёзувчиларнинг Ижод уйида қозғат туширарди. Бу — ўрмон ичида жойлашган хушманзара, сўлим бир маскан эди. Шухрат ака доим шу ерга келиб, катта ижодий ишларидан бирини битказмай кетмас, бу ердаги ижодий кайфият унга илҳом бериб турарди. Адиб икки ой шу ерда «Олтин зангламас» романини ниҳоясига етказди. Сўнг Тошкентга жўнар экан, буюмларини саранжомлашда ёрдамлашиб юборишимни сўради. Нарсаларни чамадонга жойлашга киришиб кетдик. Шухрат ака — мамнун, узоқ йиллар ўйлаб юрган романи битган ва она юрти, суякли рафиқаси, фарзандлари билан кўришиш қувончи унга кўтаринки руҳ бағишлаган эди. Бирдан «Олтин зангламас»нинг қалин қўлёзмасини олиб, биринчи саҳифани мамнуният билан овоз чиқариб ўқий бошлади. Бир саҳифа ўқигач, бир-икки салмоқлаб кўрди-да, қўлёзмани қора портфелига авайлаб жойлай бошлади. Мен чарм чамадонда ҳали жой борлигини, қўлёзмани кўтариб юриш оғирлигини айтиб, уни чамадонга солайлик, деб маслаҳат бердим.

— Борди-ю чамадонни багажга топширсак, у йўқолиб қолса, нима бўлади? — қошларини чимирди Шухрат ака. — Ҳеч қачон бундай қилма! Ҳар қанча оғир

шоир

бўлса ҳам қўлёзмани ўзинг билан олиб юр!

Устоз кўп асарларини ҳали сиёҳи қурмай туриб ўқиб берганлари ҳамон эсимда. Адибнинг турли жанрларга мурожаат этиши ижодий ниятини ифода қилишга йўл излаши демакдир, бу адибнинг улкан ижодий имкониятларидан, талаб-эҳтиёжидан келиб чиқади. Йирик ижодкорлар учун бундай ҳол табиийдир.

Шухрат аканинг ёш ижодкорларга меҳри ва эътибори бағоят улкан эди. Жуда кўп ижодкорлар унга талпинардилар, чунки нур келиб турган жойга талпиниш — ёш ниҳолга хос хусусият. Устоз ёш ижодкорларнинг барчасига бирдай қарар, ҳеч қачон уларни истеъдоди баланд ёки паст дея ажратмасди. Барчасига маслаҳат берар, йилт этган учкун бўлса, шуни аланга олдиришга ҳаракат қилар, бу йўлда асло эринмасди. «Бошида қиш, кўнглида баҳор» бўлган устознинг бир фазилатини таъкидлаш жоиз: у шогирдларига доим меҳрибонлик кўргизишга тайёр эди, аммо ҳеч биримиздан бирон нарса таъма қилганини билмайман. Шу боисдан бўлса керак, Шухрат аканинг уйи ҳамиша шогирдлар билан обод эди.

Бағри кенг инсон бўлган Шухрат ака менга ҳам устоз, ҳам ота қатори азиз инсон, меҳрибон Турсуной келиноий эса бамисли онадай азизу мукаррам эдилар. Бу хонадон мен учун, айниқса талабалик пайтларимда, ўз уйимдай бўлиб қолган, хоҳлаганимда келиб, хоҳлаганимда кета оладиган маскан эди: оиланинг бир аъзосидай бўлиб қолгандим. Шухрат ака менинг илк шеърий китобим «Фазодаги ҳислар»га сўзбоши ёзиб, унинг қадрини хийла кўтариб берган эди.

1978 йили унинг 60 ёшга тўлиши арафасида улфати чор бўлиб Фарғона водийсига сафар қилдик. Машинада тўрт киши эдик — Иброҳим Раҳим, Шухрат ака, Абдулла Орипов ва мен. Сафаримиз Қўқондан бошланиб, Фарғона, Қува, Асака, Андижон, Наманган, Поп орқали довол оғиб Тошкентга келиб якунланди. Қишлоқ ва шаҳарларда, институт ва мактабларда бўлиб ўтган ижодий учрашувлар чинакам адабиёт байрамига айланиб кетди. Водийлик адабиёт мухлисари «тўйбола» адиб Шухратни қувонч билан кутиб олишар, ўзи ва ижоди ҳақида саволларга кўмиб ташлашар эди...

Эй, чироғим! Тонгга қадар ён!
Ёрунгандан ёришин жазон! —

деб ёзган эди халқимизнинг талантли ва жўшқин адиби Шухрат... Адиб чироғи эзгулиги адолат нуридан қувватланган. Шунинг учун бу чироқ ўчмайди, балки ёлқин таратишда давом этади.

Гёте яратган илоҳий мўъжиза

Шеър — кўнгил изҳори, кўнгил мулки. Олмон шоири Гёте эса шеърят оламига янада теранроқ, жозибалироқ шакл бахш эта олган буюк шоирдир. Шеърят инсониятга ҳамиша куч бағишлайди, бунинг учун шеърларни нафақат «ташқаридан», балки «ичкаридан» ҳам кузатмоқ даркор. Шеърни шоир «экади», юракдан «узиб» тўхфа этади, авайламоқ, асрамоқ — у кирган кўнгилнинг иши. Гёте яратган шеърлар кишига руҳ берадики, беихтиёр илҳом париси тўғрироғи, унинг шеър «парилари» қалбингизни забот этади.

Мен — сенинг ягонанг, сева олганинг,
Ҳам талаб қилганинг — сен-ла бўлмоқчи.
Ҳақлисан ва ишон: тан-жоним сенга
Ёнингга сезаман ўзимни,
Мисоли учкур от эгаси.
Шамолдек еламан мен гўё
Жамолнинг дарларда ортида рўё.
Бу кун шимолӣ кутб таратган ёғду,
Садокатинг тафти, ай кўзлари оҳу...

«An Lida» (Лидага)
(Ҳафиза Кўчқорова таржимаси)

Гёте ҳамиша гўзаллик парвонаси эди. Ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлиб яшашга интиланган буюк шоир умрининг сўнги кунларигача муҳаббатнинг нафис шабодасини ўз кўнглида ҳис эта олди. Ҳаётида учраган ҳар бир аёлни ўзига хос, бир-бирига ўхшамас назокат ила севди. Унинг шеъриятидаги Клара, Грета, Лида, Хелена, Зулейха каби бадиий образлар аслида унинг кўнглини чиндан забот этган аёллардир. Қалбидаги сўзларининг дурдек тўкилиши унинг буюк муҳаббат эгаси эканлигидан далолатдир.

Қор-ла қолганг сеvimли гўшада,
Суваратинг намоен кўзим олдида.
Атрофимда учар момик булутлар,
Юрагимда эса аламли хижрон.
Маҳбубам, мен бу кун энг баланд чўққиди,
Илоҳий туйғун туйдим кўнглимда.
Ишқ ишқдан воз кечмоқ истаса қанчалик
Бу — беҳуда, аксинча —

Бир юрак иккинчисига маҳтал шунчалик.
«An Lilla», 1775 йил
(Ҳафиза Кўчқорова таржимаси)

Туйғулар шу тариқа кўнгилдан кўнсагина, юрак ором олади.

Яна чорлар мени илоҳий бир ун,
Яна ҳаёлларга чулғанди бошим.
Сабо арфасидек ҳазин ва сермуң,
Кўйилар сатрлар, қани бардошим.

«Фауст»дан
(Эркин Воҳидов таржимаси)

Шеърятнинг «кетига тушиб», унинг куч-қудрати турткиси ила ҳам файласуф, ҳам адолатшунос (адвокат), ҳам ҳақим, ҳам таъбат илми билан шуғулланган Гёте асли ўзи ким эди?

Илоҳият ила банд бўлдим,
Фалсафада хирадманд бўлдим.
Бўлдим яна адолатшунос,
Ҳақим бўлдим, таъбатшунос.

«Фауст»дан
(Эркин Воҳидов таржимаси)

Гарчи у ўз образини «Фауст»да мужассам этиб: Лекин менга бир нарса аён: Нодон эдим, нодонман ҳамон, деган хулосага келган бўлсада, биз уни севиб ўқиймиз.

Ҳафиза Кўчқорова,
ЎЗМУ ўқитувчиси

Мен ҳалол яшадим — шунинг ўзи бас,
Энг оғир дамда ҳам айтдим ростимни.
Сотмадим амал деб яқин дўстимни,
Дўстлигин, ростлигин билдим муқаддас!
Мен мағрур яшадим — шунинг ўзи бас,
Бировнинг оёғин ортидан босиб,
Кўзига чўп ташлаб, йўлини тўсиб,
Хилватда олмадим ўзим кенг нафас.
Мен дардли яшадим — шунинг ўзи бас,
Оламини беташини кўрмадим бир кун.
Кўтариб ҳамиша кишилар юкин,

? Таътиллار ва имтиёз

Ходимларга йиллик меҳнат таътили берилишида қандай имтиёзлар мавжуд? Хусусан, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик меҳнат таътили қай тартибда берилади? Таътил олинган йилда ходим 18 ёшга тўлса-чи?

В.ОЧИЛОВ,

Қашқадарё вилояти



МКнинг 143-моддасига асосан, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

1- ва 2-гуруҳ ногиронларига;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқитилганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланмоғи лозим.

18 ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек МКнинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътиллари бермаслик тақиқланади. Қайд этилган моддага кўра, меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликларини учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллarning муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармок келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, — касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубияти асосида белгиланади.

Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътилни энг кам муддати, бундай таътилни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ, иш йилининг исталган вақтида берилади.

МКнинг 244-моддасига асосан, уларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин. Таътил берилётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилни муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажини учун ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажини учун эса, умумий тартибда ҳисоблаб чиқилади.



? Меҳнат низоси

Меҳнат низоси бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кимларда мавжуд? Соғлиғига етказилган зарарни қоплаш юзасидан мурожаат қанча муддатда амалга оширилади?

Х.КАРИМОВА,

Андижон вилояти



Меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига ходим, касба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори, иш берувчи, прокурор эгадир.

МКнинг 270-моддасига кўра, судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

ишга тиклаш низолари

бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки би-

лиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.



? Қонун барчага баробар

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари чет эл корхоналарида ҳам қўлланилиши мумкинми? Агар ходим Ўзбекистон фуқароси бўлмаса-чи?

Б.ТОҶИБОВЕВ,

Тошкент шаҳри



Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

МКнинг 11-моддасига биноан, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Мазкур кодекснинг 12-моддаси эса чет эл корхоналарида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг жорий этилиши ҳақида бўлиб, унга кўра чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Бир иш қилгилки,
ундан элга етсин
манфаат,
Охирида у ишинг
келтирсин роҳат.

Абдурахмон ЖОМИЙ



? Ишсизлик нафақаси

Қандай шахсларга ишсизлик нафақаси тўланади ва уни тўлаш муддати қандай?

Б.АКРАМОВ,

Навоий шаҳри



ЎЗР МКнинг 65-моддасига асосан ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи, у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб, кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узок (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта;

илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календар ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафта камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Ишсизлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Саволларга ҳуқуқшунос Ғолибжон ЭҒАМБЕРДИЕВ жавоб берди

Ногиронлар ҳам билим иштайди

Ногиронларга саховат кўрсатиш халқимизда кадрият даражасига кўтарилган. Бугунги кунда юртимизда жисмоний имконияти чекланган ҳар бир инсон давлат ҳимоясида.

Хатирчи туманида ногиронлик пенсиясини олувчилар 5128 нафарни ташкил этса, шундан 2502 нафари болаликдан шу дардга мубтало. Уларни ҳар томонлама муҳофазага олиш ишлари кейинги пайтда кучайтирилмоқда. Биргина 2007 йилни оладиган бўлсак, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «Олтиариқ», «Товоқсой», «Маржон суви», «Косонсой» сиҳатгоҳларига ҳамда «Металлург» ва «Қизилқумцемент» профилакторийларида йўлланмалар асосида 69 нафар 1 ва 2-гуруҳ

ногиронлари бепул даволаниб келишди. Ногиронларни бепул меъёрий 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситаси билан таъминлашда, уларга белгиланган бошқа имтиёзлар кишини қувонтиради. Аммо туман прокуратураси томонидан «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиниши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг туман ижтимоий таъминот ҳамда халқ таълими бўлимида ижро этиш аҳволи ўрганилганда, ютуқларга соя солиб турган қонунбузилиш ҳолатларига дуч келинди.

Бўлимга ўтган йилда 29 нафар ногирондан ўриндиқли аравача билан таъминлаш бўйича ариза тушган бўлишига қарама-масдан, улардан 26 нафа-

ри бундай имкониятдан баҳраманд бўлишган.

Якка тартибда уйда таълим олувчи ногиронлар сони туманда 199 нафарни ташкил этади. Лекин уларга таълим бериш аҳволи билан асло мурося қилиб бўлмайди. Айниқса, тумандаги 2, 15 ва 20-ўрта умумтаълим мактабларида уйда ўқитилётган, болаликдан ногирон ўқувчиларга дарс берилишида ўзибўларчиликларга йўл қўйилган. Ногирон ўқувчиларга эски ёки варақлари тўлиқ бўлмаган дарсликлар тарқатилган, айрим фанлар бўйича эса умуман берилмаган. Аксарият ўқувчиларни ўқитиш учун ёзув тахтаси ҳамда назорат дафтари мавжуд эмас. Дарсларнинг жадвал асосида олиб борилмаётганлиги, ҳафтада, ҳатто ойлаб айрим фан-

лардан мутлақо ўтилмай келган дарслар мавжудлиги аён бўлган. 20-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси Фотима Омонованинг математика фанидан тутилган дафтаридаги охириги ёзувлар 2007 йил 11 декабрда, рус тили дарси дафтарида эса 2008 йил 28 январда киритилган. Бошқа фанлардан бирон-бир дафтар тутилмаган.

Текшириш натижасига кўра, қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида туман халқ таълими бўлими мудири номига тақдимнома киритилди ва айбдорлар бундай ҳатолликларга қайта йўл қўймасликлари учун расман огоҳлантирилдилар.

Илҳом НАВРЎЗОВ,
Хатирчи туман прокурори

(Охири. Боши аввалги сонларда).

Каттакўрғон туманининг Каттакора қишлоғи ҳудудидан катта канал оқиб ўтарди.

Тўғон ёқалаб ўнг томонга боришгач, кимсасиз йўлдан 8-10 чақиримча ичкари киришди. Обиддин ароқ таъсирида ухларди. Тепалик ёнига етишгач, зор учмас шу манзилда тўхташди. Айни сокинликдан шерикларнинг ғайрати жўш ура бошлаганди. Иккови ҳам ерга тушиб, бироз атрофга қулоқ туттишди. Сўнг Азиз орқага ўтиб, юкхонадаги арқонлардан бирини Анварга тутқазди: «Сиз оёқларини маҳкам қилиб тушовласангиз бўлди». Иккинчи арқон учидан икки-уч қаричча кесиб, ҳар икки бўлакни қўлига олди. Кейин шошмай бориб, уловнинг орқа эшигини очди.

— Қани, ака, тулинг энди!
— А, ҳа, келдикми?.. — Обиддин ойнадан атрофни кузата бошлади.

— Каловланмай тезроқ тушинг! Балонни ечмоқчимиз, хув, пастликдан тош-пош излаб кўринг-чи...

— Хўп-хўп.

Обиддин пастга тушиб атрофдан қайроқтош ахтараётган паллада орқадан берилган зарба уни юзтубан қулатди. Таппат-тайёр бандига айланган одам бўйнидан ўтказилган арқон ўз ишини қилди. Жонҳолатда типирчиллаган гавда секин-аста тинчий бошлади. Обиддиннинг боши шилқ этиб ёнбошга бурилди. Олазарақ қотилларни энди тезроқ уни бирор жойга кўмиб, кўздан ғойиб бўлиш қизиктирарди. Шу зайил бири монтировка, иккинчиси пичоқ билан тепа ортидаги хилватдан шошилиш чукур қазига киришишди. Бу қуроллар билан ишлаш мушкул эди. Лекин азаматлар шахд билан ҳаракат қиларди. Шу пайт атрофни ёритганча ёрқин шуъла тушиб қолди. Қараша, ўрта йўлга бурилган тракторнинг овози баралла эшитиларди. Шошиб қолган гўрковлар зудлик билан машина ёнига қайтиб, жасадни юкхонага беркитдилар. Ўзлари эса гўё ором олаётгандай салонга жойлашишди.

Дам олиш яхши-ю, бироқ ярим тунда тепалик панасида турган бегона номерли машина тракторчини ҳайратга солганди. У тракторни тўхтатиб, тушмоқчи бўлганди, Азизжон тезда машинасини ўт олдириди. Зарб билан жилдирилган автомобил шиддат билан Жума шаҳри томон этувчи равон йўлга чиқиб олди.

Ваҳима аралаш беш-олти километр йўл босилгач, салон ортидан қандайдир инграниш ва йўтал овози эшитилди. Бироздан кейин капот шиддат билан тақиллаб, йўтал ва сўкинишлар аниқ қулоқларига етди.

Обиддиннинг ҳали жони узилмаган экан, тепина бошлади: «Хов, Азиз! Мен сенга нима қилдим? Гуноҳимни айт! Худо-йим шохид, иккаланг ҳам қамоқда чирийсанлар!.. Тўхтат деяпман, тўхтат!..».

Йигитлар анча шошиб қолишганди. Азиз магнитофон овозини баландлатиб қўйarkan, атрофни кузатарди. Дуч келган биринчи тупроқ йўлдан уловни ўнг томонга буриб юборди. Ичкарига бироз кирганларида эса ортларидан бир машина яқинлашиб кела бошлади.

— Ўлдик, Азизжон. ДАН ҳодимлари хабар топган кўринди!

— Йўғ-э! — Азиз орқадаги машинага ён томондан қараб оларкан, қочиб қолишни ҳам ўйлади. Лекин йўл қаерга элтишини аниқ билмасди. Бугунгидек тангликни кўрмаган Анварнинг ҳаяжони эса тасаввурига

сигмайди.

— Бўлди, жўра! Тушиб икковимиз икки томонга қочайлик.

— Эсингни еганмисан?! Ўзингни қўлга ол! — Азиз биринчи бор шеригини сенсирарди. — Ҳали ҳеч ким сизни гуноҳкор қилаётгани йўқ-ку.

У рулни бир қўли билан бошқара туриб ўриндиқ ёнига жойланган монтировкани шеригига тутқазди. Ўзи бўлса ҳалиги пичоқни тиззалари устига олди. Кейин уловни секинлаштирганча йўлдан бироз чеккалатди.

Кўрққанга қўша кўринар деганлари рост. Ортдаги машина ҳайдовчиси улар олдидан бепарволик билан ўтиб кетди.

— Хайрият! Худонинг ўзи бир асради, оғайни.

Азизжон кулимсираб шу ердан уловни изига буриб олди.

ринг!

Постдан ўтиб олганларида тонг ота бошлаганди. Қотиллар шу ондан яна сипо қиёфага киришди.

Азизжон шаҳарда Анварни туширгач, тўғри далага бориб, «хушхабар»ни Дилбарга етказди:

— Обиддин қайтмас жойга равона бўлди. Энди эркин қуш бўлдингиз, опа.

Дўзах домидан

— Э-бе, ўлай, ростданми? Қандай қилиб?..

— Энди бунинг аҳамияти йўқ. Фақат сиз оғзингизга маҳкам турсангиз бўлди...

Бу борада яна баъзи ишлар келишиб олинган, Азизжон хотиржам бориб, ойнаванд хонасидаги диванда маза қилиб ухлади. Ўрнидан туриши ҳамон шоша-пиша чордоққа чиқиб, пул яширган жойини топди. «Хайрият, ҳаммаси жойидага ўхшайди».

Гулдор тўрвачани бағрига босганча нарвондан тушиб, «Жигули» юкхонасига калит солди. Пулларни бир чеккага жойлаштираётиб, ногаҳон Обиддиннинг калитлар орасида ётган бир пой туфлисига кўзи тушди. Қарс эткизиб капотни ёпди-да, тушқун кайфиятда рулга ўтирди.

Ваъдага мувофиқ у «Дамас»лардан бирини танлашга бормоқчи эди. Гузардан ўтиб бораркан, Дилбарларнинг дарвозасини очик ҳолатда кўриб, ҳайратга тушди. «Ахир, биз маҳкам беркитиб чиққан эдик-ку». Уловни секинроқ ҳайдаб, ҳайрон назар ташларкан, ичкаридан қўлидаги бурда нондан тишлаганча Бунёдхон чиқиб қолди. «Ахир, Дилбар уни холасиникига жўнатворганди-ку... Отангни кутаяпсанми? Унда бир умр кутишингга тўғри келади,

жиан...». Тушиб саволга тутмоқчи бўлди-ю, ичидан ғойибона зил кетаётган голибнинг бунга юраги дов бермади. «Ярамас! Отнинг боласи — от, итнинг боласи ит бўларкан-да. Сотилган ҳовлига нима қиласан суқилиб?!».

Кутилмаганда машина ортидан «па-а-ақ!» этган кучли овоз таралди. Шу онданок рул бошқарувига ҳам бир томонлама юк туша бошлаганди. «Об-бо, филдирак дам қўйиб юборди шекилли!» Улов йўл ўртасида чорночор тўхтади. Лекин Азиз ишга киришишга шошилмас, тўғрироғи, юкхонани қайта очишга юраги дов бермасди. Шу он қулоқлари остида ингичка йиғи овозига ўхшаган чинқирик эшитилгандай бўлди. Кейин орқа ўриндиқдан шарпа оёқланаётгандек ҳайбатли ҳамлани ҳис

этди: «Шошма-а!.. Ҳо, но-каас!.. Бунё-од. Уй Бунёдни-кии!.. Бу ёққа ке-ел!..» Ўриндиқ ўз-ўзидан қарсиллаб кетди. Икки чеккасида икки қўл ўтиб, узун ва дағал бармоқлар Азизнинг кўкси-ю томоғига ёпишди. Тирсаклар тикандек ботар, ўлжанинг нафас олиши қийинлашарди...

Ана шу кўрқувдан кейин лабораторида учук, томоғида яра пайдо бўлган Азизжон қарийб бир ҳафта тўшакка михланиб ётиб қолди. Ўзига келган қуни унинг қўлига шаҳар ИИБ тергов бўлинмасидан келган «чақирув қоғози»ни тутқазди.

Аҳадхон ЖАМОЛОВ,
Пастдарғом туман
прокуратураси
катта терговчиси.
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Қилмиш — қидирмиш

Суиистеъмолчилик қимматга тушди

Томонлар ўртасида тузилган шартнома қулайлик яратиш билан бирга қонунга риоя этилишини, ҳалол иш юритишни талаб қилади. Акс ҳолда эса...

«Шеробод МТП» акциядорлик жамиятига 1997-1998 йиллар давомида Тошкент вилоятида жойлашган Минтақалараро «ПАХТА» моддий техника таъмирлаш базаси ҳамда «Таъминотчи Пахта» акционерлик жамиятлари билан тузилган шартномага асосан 35 та «Кейс 2366» ва «Магнум 8940» маркали тракторлар олиб келинади. Шартномаларнинг амал қилиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб беш йилга, яъни 2004 йилнинг 30 декабрига қадар этиб белгиланади. «МТП» акциядорлик жамияти лизинг асосида олиб келинган чет эл техникаларидан мол-мулк солиғидан шартномада

кўрсатилган муддатга қадар озод қилинган бўлса-да, 2006-2007 йиллар давомида туман ДСИга топширган ҳисоботларида мол-мулк солиғини тўлашдан бош тортиб, ҳисоботларда имтиёз қўллаган. Жамият раҳбарлари томонидан ноконуний имтиёз қўлланилиши оқибатида 2006-2007 йилларда жами 160.423.000 сўм мол-мулк солиғи давлат казнасига тушмаган.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан айбдорлар тегишли жазага тортилди.
И. МАМАТМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти Сурхондарё вилояти Шеробод туман бўлими бошлиғи.
Фирдавс УМАРОВ

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Қандингни ур, отаўғил!

Бир маҳаллар Анвар Муқимовнинг ихчамгина ҳажвий китобига муҳаррирлик қилгандим. Ушанда ҳажвияларнинг баъзи жойларига қалам текказиб, баъзи жойларини сал қисқартиб ташлаганимни кўриб, бўлим мудиримизнинг капалаги учган, «Ахир, бу — Анвар Муқимов! Абдулла Қаҳҳорнинг назарига тушган адиб! Ҳафа бўлади-я!», деб менга дакки берганди. Мен: «Майли, муаллифни Фарғонадан чақиртириб, бир кўрсатинг. Таҳририм ёқмаса, аслидагидай қолаверади», деганим эсимда. Мудиримиз Анвар акага кўнгирак қилиб шуни айтса, «Мен у йигитчага ишонаман, қўйиб бераверинг», дебди.

Китоб чикди. Икки-уч ой ўтди ҳамки, муаллифдан дарак йўқ. Наҳот, таҳрирларим ёқмаган бўлса, деб кўнглим ғашланиб юрдим. Орадан беш ойча ўтгач, устоз Асқад Мухтор «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг «Шум бола» саҳифаси фаолларини йиғиб, рағбатлантирувчи мукофотлар топширди. Уша куни Анвар акани умримда биринчи марта кўрдим. У мени самимият билан астойдил қучиб, «Қарчилиқда қайта-қайта ишлашдан эриниброқ ёзган нарсаларимга ҳам зеб берибсиз», деб мақташга тушди. Ўзим муҳаррир бўлган китобни совға қилаётиб, «Мана, ичига сизни «устозим» деб

ёзиб қўйдим», деб чиройли жимайди. Бу гап кўнглимни кўтариш учун айтилганини сезиб, бағрим яшнаб кетди.

Мана, орадан йигирма йил ўтиб, Анвар аканинг ўғли Саид, «Шунга бир кўз ташлаб беринг», дея нашрга тахтлаб қўйган тўпламини қўлимга тутқазди. «Бошингга отангнинг кўни тушадиган бўлди, бола», деб ҳазиллашгим келди-ю, индамадим. Ўхшайман индамаганим, хижолатда қолардим. Ёзганларидан шу айб қидираман, шу айб қидираман, қани камчилик топила қолса. Жаҳлим кўзиди, шуларга «акахон»-лигимни кўрсатолмасам, нима қилиб юрибман? Астойдил тафтишга киришиб, ниҳоят «отни кўрқитадиган»ни «отни хўрқитадиган» деб ўзгартирдим. Яна икки-уч нуксонча топгандек бўлдим. Хайрият, анча енгил тортдим.

Юқоридаги гапларни чувалашдан мақсад, кўнглимни ёриштирган асосий нарсани айтмоқчиман — одамзод бу оламда, аввало, болам деб яшайди, тангридан унинг камолини тилайди, ўзи кўролмаган бахтни, ўзи етолмаган манзилни фарзандларига раво кўради. Шу нуқтаи назардан қараганда, Саид Анвар ўз отасининг руҳини шод қиладиган адиб бўлиб етишибди. Жуда қувониб кетдим...

кўриш билан, хотин эса унинг устиди хамир қориш билан банд.

Шитоб билан бориб, электр ҳисоблагичга ёпишганимни кўриб:

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради хотинбой.

Мосламани олиб, чўнтакка яширдим-да, унинг тепасида пайдо бўлдим.

— Хамирингни ичкарида қор! — дедим ҳар сўзимни таъкидлаб. Хотин хамир юки қўлининг орқаси билан ияғни қашлаб, савол назари билан қараганди, давом этдим.

— Вилоятдан келганлар электрни текшириб юришганим. Таниш-билиш, ошна-оғайни деган нарсаларга қарашмаяпти экан. Қарзимиз кўп, чироқни ўчиришади. Шунга, Одам атоси чақириб келса ҳам, овоз берма! Одам йўқ экан дейишиб, уйга киришмайди.

Хотинбойнинг «бўпти»-сидан кўнглим тўлиб, кўча томон юрдим. Дарвозадан шундай ўтганимни биламан, қўшнинг уйдан чиқиб келаётган бегона икки йигитга кўзим тушди. Нима қилиш керак? Шарт ортимга ўгирилдим: ўз

— Уйда ҳеч ким йўқ шекли, — жавоб қилдим пинак бузмай.

— Сал ичкарироққа кириб чақирайлик, — иккинчи йигит дарвозадан ўтмоқчи бўлди.

— Ҳай, ҳай, ҳай! Ити бор! — дедим унинг билагидан тутиб.

Шу пайтда сўрининг тағида чўзилиб ётган Бўрибосаримнинг эшикдан чиқиб келишини, ё бир борагина «Вов!» деб қўйишини шундай истадим, шундай истадим, қўяверасиз! Отини айтиб чақирай десам, сир фош бўлиб, шарманда бўламан. Нима қилиш керак? Калламдан айланай, дарров маънили бир йўл-йўриқ ишлаб чиқарди. Йигитни ортимга суриб, аввалига:

— Ити эшакдай келади, кирсангиз ейди! — дедим. Сўнг дарвозага қараб, — Оти — Бўрибоса-а-а-ар! — деб бақирдим.

Йигитлар хийламни сезишдимикан, дегандим, йўқ. Эшикдан отилиб чиққан Бўрибосаржонимдан қочишни бошлаб юборишди. Уларнинг орқасидан менам чопдим, ортимиздан Бўрибосаржон! Хўжайин ўйнашгиси келди деб ўйладими, ирғиш-лаб-ирғишлаб чопади, жонивор! Ўзим ҳам бир чопиш қил-

Чойхонада тарқалган хабардан ҳамма хангу манг бўлиб қолди: «Кўшни қишлоққа вилоятдан вакиллар келишибди. Уйма-уй юриб, электрдан фойдаланишнинг аҳволини текширишибди». Албатта:

— Ие! Шу кам эди! Оббо! — хитоблари янгради.

Бири биридан қизиқ хабарлар айтилгани сайин, хитоблар ҳам ранг-баранглашиб борди.

— Текширувчилар киришса, Эгамназар унинг тегирмони гуриллармишу, аммо электр ҳисоблагичи пинак бузмай турганмиш. Обдон қовлаштиришса, Эгамназар тегирмонига ҳисоблагични айланиб ўтадиган сим улаб олган экан.

— Вой, муттаҳам-эй! Ўн кило буғдойдан бир кило ун олиб қолишни билади-ю, давлат билан тўғри ҳисоб-китоб қилишни билмас экан-да!

— Уста Ниёзматнинг арра-ю рандалари туну кун электр билан тирик. Аммо вакиллар ҳисоблаб кўришса, электрдан Ниёзмат эмас, давлат қарздор бўлиб чиқибди. Ниёзмат тушмагур ҳар куни кечқурун ҳисоблагичини ортага қайтариб қўйишни қанда қилмас, кеча адашибми, ё нафси ҳакалак отибми, икки кунлигини ортага қайтариб қўйган экан!

— Уста эмас, устомон бўлиб кетган экан-да! Вой, ўғри-ей! Эшик-дераза ясаб фойдасини кўргангидан кейин, электрнинг пулини тўлаб қўймайсанми, хумпар!

— Вакиллар Собир домланида ҳайратдан ёқа ушлашибди. Ҳамма электр асбоблари хизматда эмиш! Уйдаги жамики чироқлар, ҳатто дазмоллар, ёз бўлса-да, электр печкаларгача ёқиб қўйилганмиш. Кир машинаю совутгичлар ишлаб турганмиш. Аммо уларда ювиш учун кир ёки совутиш учун масаллик йўқ эмиш! Челақларда, чойнақлардан сувлар қайнаб ётганмиш. Лекин домланинг ўғли чой дамлаш ўрнига уларни тўкиб ташлаб, қайта совуқ сув қўйиб, яна қайнатаётган эмиш. Электр ҳисоблагич эса, визиллаб ишлаётганмиш... Фақат тескарисига!

— Олий маълумотли, тушунган одамнинг қилган ишини қаранглар-а! Бекорга



домланинг айтганини қил, қилганини қилма, дейишмайди-да. Қип-қизил зараркунанда экан-ку!

— Ҳаммасини жаримага тортишибди. Баъзиларининг ишини судга оширамиз дейишибди. Туман электр идорасида ишлайдиган битта-иккита чакқон ўртага тушиб, муросаи мадорага келтирмоқчи бўлибди. Вакиллар «Бунақа бузғунчиликларнинг ўргатувчиси, раҳбари, раҳнамоси — сенсанлар! Сенларга аталган жазоларимиз ҳам бор!», дейишиб, уларни олдиларига солиб қувлашибди. Одамлар тарқала бошлашди. Айниқса, «Муттаҳам! Ўғри! Зараркунанда!», деб энг юқори пардаларда хитоб қилганлар биринчилар қаторида уйлари томон шошибди.

Ҳажвияга шу ерда нуқта қўйгандим, аммо асосий хангома кейин бўлибди. Расул ака уни завк-шавққа тўлиб ҳикоя қилиб берди.

— Менам, сен айтган хитобчилар сафида бўлмасам-да, шум хабарни эшитгач, уйга қараб йўл олдим. Тўғри, ўғринча сим ўтказмаганман, ҳисоблагични тескари айлантирадиган одатим ҳам йўқ. Электр пулини вақтида тўлайман дейман, аммо уч ойдан буён ишлаб қўйган ойлигимни ололмайман.

Ҳисоблагич бўлса, бундан беҳабар ишлаб ётибди. Буни текширувчиларга тушунтириб бўлмаса. Нима қилиш керак? «Қарзингиз бор экан, пулини тўлаб қўйинг!», деб келган инспекторнинг чўнтагига бир-икки сўм тиқиб мослама қўйдириб олдим. Уни қўйсангиз, ҳисоблагич ишлашдан тўхтайди, лекин чироқ ёниқ тураверади.

Уйга келсам, ҳовлида сокинлик: болалар мактабда, итим сўри остида пашша

дарвозамга юзма-юз бўлдим. Ортимдан келаётган йигитларнинг қадам товушини бир-икки санаган бўлдим-да, овозни баралла қўйиб, ўзимни чақира кетдим:

— Расулжон ака! Расулжон ака!

Йигитлар ортимда тургани сезиб, товушимни кўтардим:

— Расулжон ака-а-а! Ҳо-о-ов, Расулжон ака-а-а!

— Овоз беришмаяптими?

— Йигитларнинг папка қўлтиқлагани ёнимга келди.

дим, йигитлар ортимда қолди. Шундай ўгирилсам, икковининг тили осилиб қолибди, аммо чопишдан заррача тўхташгани йўқ. Папкалари қўлтиқларидан тушиб, қоғозлари сочилиб кетдям, парво қилмай чопишда давом этишди. Лекин чойхона олдига келганда Бўрибосар йигитларни ҳам, мени ҳам қувиб ўтиб олдинга ўтиб кетди! Йигитлар елкаларидан нафас олиб, оғиз ва кўзларини бор бўйича очганча жойларида қотиб қолишди. Бўрибосаргинам эса, пойгада голиб чиққан соқовдай, думини ликиллатганча, чоррахани гир айланиб, чопа бошлади

Рассом хандаси



— Кўрқитманг мени, оймомо...



Ёш ўтди... Аммо кашандалик қолмади.

А.ҲАКИМОВ чизган суратлар



Бор бўл, оқибат!

Футболчи саховати

Чортоқ тиббиёт коллежида аъло баҳоларга ўқиб, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш учун коллеж маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳомийлик кўрсатмоқда. 2007 йилда коллежда «Йилнинг энг фаол талабаси» танлови ўтказилди. Ҳалиб Гулҳаё Тожибоева директор стипендиясини олишга муваффақ бўлди. 116-гуруҳ талабаси Осиё Файзиевага эса соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан таъсис этилган «Иқтидорли ва жамоатчи талаба-ўқувчилар учун касаба уюшмаларининг устама стипендияси» ҳар ой бериб келинмоқда.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак, деган нақлга амал қилган юртдошимиз, «Курувчи» жамоасининг ҳимоячиси Рашидбек Ғофуров коллежда меҳнат қилаётган 10 нафар ходим ва таҳсил олаётган 30 нафар ўқувчи ёшларга ҳомийлик саховатини кўрсатиб, уларни моддий рағбатлантириш мақсадида 200 минг сўм маблағ берди.

Р.ИНАТУЛЛАЕВА,

Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Дунёнинг ишлари

«Сеҳрли» рўмолча

Кунларнинг бирида маҳалламиздаги чойхонага кирсам, етти-саккиз нафар киши суҳбатлашиб ўтиришибди. Улардан бири йиғлағудай бўлиб:

— Содда бўлмасам, олдимга тушган тутунчага маҳлиё бўлиб шу кўйга тушардим. Бозордан чиқиб кетаётсам ёнимдаги нотаниш йигитча ердан рўмолча олиб, ичидаги 10 сўмлик пулни кўрсатди. «Ака, бунга бизга Худо берди. Бўлишиб оламиз» дея ҳозирги Абдулла Қодирий боғига бошлади. Аслида бозордан 3500 сўмга плаш олиб кийиб келаётган эдим. Йигитнинг орқасидан боққа киргач, у менга қараб:

— Ака, сизнинг ёшингиз катта.

Сизга ишонаман. Пулни мана бу девор панасида тенг бўлинг. Мен эса атрофни кузатиб тураман. Устингиздагини эса мен ушлаб турай, — деди.

Унга ишониб плашимни ечдим. Девор орқасига ўтиб рўмолчани ечсам, ичи фақат қуруқ қоғоз бўлиб, фақат сиртида 10 сўм пул бор экан. Югуриб девордан сакраб ўтсам, бола аллақачон ғойиб бўлган экан. Қисқаси 3500 сўмлик плашдан 10 сўм пул ва «сеҳрланган» рўмолчага алданиб қолдим.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, каминга ҳам чайқов бозорига бориб, битта дўппи, шим, кўйлак ва бир жуфт туфли харид қилиб бозордан чиқиб

келаётсам, худди чойхонада эшитган ҳикоям содир бўлса бўладими?

Ёнимдаги йигит чаққонлик билан ҳалиги тутунчани олиб «Ака, насиба экан. Кетдик, четроқ ўтиб бўлиб оламиз» деса бўладими? «Ука боравер, мен орқандан етиб оламан. Олдинда шеригим бор, кутиб қолмасин» дея хайрлашиб кетдим.

Буни ёзишдан мақсадим ёшларимиз бундай эгри ишлар билан яшашларига чек қўйиб, пок яшамокликни ўрганса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миробиддин ҚУРБОНБОЕВ,
Зангиота тумани

Бу кимнинг кўли деб сўроққа тутманг,
Хижолатга кўйманг мийиғда кулиб.
Ғоз-ғоз турганингиз зўрға...
Унутманг,
Йиқилмоқнинг нари-бериси бўлиб.

Жон ширин ҳаммага,
Менга ҳам ҳатто,
Лекин мен онамга кўпроқ ширинман.
Кўйинг деганимга қилмасдан парво,
Ушлаб туришлари аслида шундан.

О.ЖУМАНАЗАРОВ сурат-лавҳаси

Дарак

Ижодкорлар ташрифи

Урганч тиббиёт коллежида маънавий-маърифий тадбирлар узлуксиз ўтказилиши ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ошиши ҳамда дунёқараши кенгайишига эришишига хизмат қилмоқда.

Яқинда коллежга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигида бир гуруҳ адиблар ва санъаткорлар ташриф буюришди. Севимли шоиримиз ўзининг «Ёшлигим» шеърини ўқиганида ҳаяжонланмаган юрак қолмади.

Рустам Мусурмон, Эркин Самандар, Ошиқ Эркин, Матназар Абдулҳаким, Қорақалпоқ ижодкорлари Шароф Уснаддинов, Бахтиёр Генжемуродов, Ўрозбой Абдурахмонов, Муродбой Нишоновлар ўз ижодларидан гулдаста тухфа этдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Эшжоновлар, истеъдодли хонанда Гулбаҳор Жумабоевнинг чиқишларини ҳам талаба ёшлар қизиқиш билан қарши олдилар.

Коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Ровияжон Бобожонова унутилмас лаҳзаларни тақдим этган ижодкорларга миннатдорлик билдирди.

Дилфуза ҲАСАНОВА,
Урганч тиббиёт коллежи
«Қамолот» ЁИХ етакчиси

Бедор қўй

Тун. Шимол томондан эса бошлаган шамол камчисини олиб, осмон бўйлаб қоп-қора булутларни биз томонга ҳайдаб кела бошлади. Ачим-сиқ қуюн ой шуъласини тўсиб қўйди. Гўё замин зулмат ичида қолган-дек эди. Бобомнинг айтишларича, бу зулмат бизга етти ёт бегона бўлган пайтларда жойларимиз жаннатмакон ва баҳаво экан. Энди эса нафас олишга ҳам қийналасан киши.

Мусаффо тонглар

Тонг отди. Доимгидек оғзим қарахт. Бўғиқ ҳаво ҳамроҳим. Айвонимиз пештоқида кўзга ташланиб турган қалдирғоч ини хувиллаб ётибди. Инни бузмокчи бўлсам шўрлик момом «болам, ҳали қалдирғочларинг қайтиб келади», деб бузишимга йўл қўймайди.

Эрталаблари онам билан сизир соғишга борамиз. Сигиримизнинг тишлари тўкилиб кетган, овқат еёлмайди. Фақатгина атала ичади. Кепак ва емдан қилинган аталани ичаверганидан бечора озиб-тўзиб кетган, ҳатто олти ойлик бузоқчамизнинг ҳам тишлари қорайиб жигарранг тусда. У ҳам бир-икки ёшга киргунча, тишларидан ажралади.

Онам косага тўлдириб сут солиб беради. Мен тўйиб-тўйиб сут ичаман. Сутнинг ҳам таъми бошқача. Лекин ҳар куни ичаверганимдан бу менга унчалик билинмайди. Узоқдан келган қариндошларимиз сутнинг бемазалигини дарров фаҳмлашади.

Кечаси осмонни қоплаган заҳарли моддалар эрталабки шудринга сингиб, барча ўсимликларнинг барг ва меваларини қоплаб олади.

Богимизда ҳар хил мевалар бор. Улар ҳам заҳар билан тўйинган. Дехқонларнинг таъкидлашича, олдинлари «Дашнобод» анорининг ҳар бири бир килодан ортиқ келаркан. Минг афсуски, «Дашнобод» анорларининг олдинги доврўғи фақат инсонларнинг хотирасидагина сақланиб қолган.

Куёш ботиши олдиндан, қишлоқ тепасидаги адирга чиқиб, бизга заҳар пуркаётган мўриларга узоқ тикиламан. Уфқ шуъаларида бу мўрилар яққол кўзга ташланиб туради.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бизни заҳарлаётган бу завод бугун тўхтатилган тақдирда ҳам таъсири йигирма беш йилга қадар давом этар экан.

Касалликлардан азият чекаётган кўплаб хонадонлар қадрдон жойини ташлаб узоқ-узоқ жойларга кўчиб кетишган. Баъзи хонадонлар эгасиз, хувиллаб ётибди.

Кеч кирди. Иштаҳасиз овқатланиб, ўрнимга чўзиламан. Бошимга кўрпа тортиб, эзгу ниятлар билан уйкуга кетаман. Ухлаётиб умидим милтиллади:

Йиллар ўтиб, келинларимиз Алпомишу Барчинойларни дунёга келтиришди. Богимизда кесилган анорзорлар ўрнини витаминларга бой қип-қизил анорлар эгаллайди. Анорлар пишгач, оғзимни кизартириб-кизартириб анор ейман. Бу анорларни еган ҳар бир касали бор инсон дарров тугалиб кетади. Ўшанда айвонимиздаги хувиллаб ётган инига қалдирғочлар қайтиб келган бўлади. Мен ҳар тонг тепамда чўғур-чўғур қилаётган палапонларининг овозидан уйғонаман. Шунда мусаффо тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олам...

Фозил ФАРҲОД

Овги ҳикоялари

Ғусункор Ва жозибали

Чипор-қизғиш кўринишдаги тустовуқлар жуссаси ва оёқларининг тузилиши жиҳатдан хонаки товуқларникига ўхшаш, яшаш тарзи ҳам деярлик фарқ қилмайди. Ҳўрозининг тирноқлари узун ва ўткир бўлиб, антиқа тожи уни янада басавлат қилиб кўрсатади. Оқ тусли узун думи тез ва текис учинишга мослашган.

Тустовуқлар аҳоли яшайдиган чекка қишлоқларга яқин келиб қолганида, Ҳўрози кучини кўрсатмоқчи бўлиб ҳовлидаги Ҳўрозларга таъқиб қилиб, товуқларни ёнига чорлайди. Шунда улар ўртасидаги рақобат тўқнашувларга сабаб бўлади.

Ғусункор ва жозибали тустовуқлар юртимизга ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қўшни Қозғистон давлат кўриқхоналари ва ов қилиш вақтинча тақиқланган кўриқхоналардан келтириб урчитилган. Улар кўп вақтларини дашту биёбон, дарё ва ҳавза бўйларида озуқа илинжида юриб ўтказишади. Ўлжа тутинида баъзан маҳоратдан ташқари куч ҳам сарфлашига тўғри келади. Табиий сезгилари орқали ҳис этиб, уяларини қалин қамиш ва тўқайзорлар орасига қўйишади. Макиёни қузининг охиригача уч маротаба, ҳар гал беш-олтитадан тухум қўйиб бола очади. Кўнайиш мавсумида Ҳўрози уяси атрофидан узоқлашмай, авлодини боқиб учун елиб-югуради.

Овчилар ва балиқчилар жамияти ходимлари хавф-хатар олдини олиш мақсадида тустовуқлардан доим кўз-қулоқ бўлиб туради. Қаҳратон кунларда қўшимча озуқалар билан таъминлаб, уларга гамхўрлик кўрсатади.

Турфа ранг ва турли кўринишдаги тустовуқлар ҳам ўғринча овчилар олдида чорасиз қолишади.

Натижада жиноят содир этилган жойдан ёппасига олисларга учиб кетишга мажбур бўлишади.

Тустовуқлар расман давлат назоратига олинган бўлиб, уни овлаган ипоқ кимсалардан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима ундириш қонунда белгиланган.

Қоровултепа сув омбори ва Сангзор дарёси қирғоқлари чинакамига қушлар бозорига айланган. Улар таҳмин қилинганидан ҳам кўп эканлигидан махсус кийимдаги нозирнинг кўнгли равшан тортади. Ғусункор ва жозибали қушларнинг эрта тонгданок бир-бирлари билан майин ва мулоийм овозда мулоқот қилиб сайраши ҳамда самода қанот қоқини табиат гўзаллигига янада жозиба бағишлайди.

Абдулла САИДОВ

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянгиз

Исмингиз


Отангизнинг исми

Туғилган йилингиз

Манзилингиз

Иш(ўқиш) жойингиз

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?



«Баркамол авлод — 2008»



Икки кундан сўнг Қорақалпоғистон республикасидаги замонавий спорт мажмуалари ҳамда стадионларда ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақалари бошланади.

Кеча Паркентдаги «Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик институтида табиий куёш нурларидан алангаланган мусобақа машъаласи Нукус томон йўлга чиқди. Машъалани кемамодел спорт тури бўйича жаҳон чемпиони Шавкат Исмаилов ва ракетамодел бўйича Осиё ўйинлари совриндори Константин Балухонов эзгу ниятлари ила ёш спортчилар қўлига тутқазди.

Юракларимиз тафтидек ёрқин машъала минг-минглаб ватандошларимизга хушнудлик ва кўтаринкилик улашиб, Оролбўйи томон одимламоқда. Йўл-йўлакай ватандошларимиз эстафета иштирокчиларига ҳамроҳлик қилиб, уларни кузатиб қолишмоқда.

Кеча Тошкент вилояти, шаҳри, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудидан ўтган машъала миллионлаб қалбларни ёритиб Самарқандга етиб келди.

Бугун Навоийдан ўтган «Баркамол авлод» машъаласи Бухорода тўхтади. Эртага Хоразмни зиёрат қилган спортсевар ёшлар маёғи Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрига етиб келса, 17 май куни қувончли учрашув мусобақалар ўтадиган Нукус шаҳрида юз беради. Бу машъала оддий машъала ёки олов эмас. Ўрт меҳридан, куёш сеҳридан ва инсонлар муҳаббатидан бунёд бўлган ўчмас спорт ва бахт машъаласидир.

Зеро, шоир айтганидек,
Спорт машъаласи
Куёш тафтида
Соғлом авлод улғаяр
Ватан қафтида.

«Умумармия ўйинлари Спортсевар ватан ҳимоячилари»

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича учинчи «Умумармия ўйинлари» якунланди. Унда жамоалар ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол ва қўл жанги бўйича куч синашди.

«Умумармия ўйинлари»да Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси спортнинг кўпкураш, енгил атлетика, кураш ва волейбол турлари бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси ҳарбий учкураш, тош кўтариш, офицерлар учкураши бўйича умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлди. Тошкент ҳарбий округи жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди.

Биз МХСК спорт мажмуасида ўтган кураш баҳслари чоғида баъзи иштирокчиларнинг фикрларини ёзиб олдик.

Илҳом Жабборов, Шарқий ҳарбий округи жамоасидан:

— Баҳслар олдида пухта ҳозирлик кўрдик. Бизга барча шaroитларни яратиб беришди. Икки йил муқаддам ташкил этилган иккинчи Умумармия ўйинларида 2-ўринни эгаллагандим. Бу гал курашчиларнинг маҳорати янада ўсганини гувоҳи бўлдик. Бу эса бизга янада кўпроқ интилиш ҳисси ва куч-қувват бағишлайди.

Рустам Мирзатов, Шарқий ҳарбий округи:

— Чортоқ сержантлар тайёрлаш мактабида ўқийман. Ўзим ёшлигимдан курашга қизиқаман. Ҳар бир Ватан ҳимоячининг орзуси ҳарбийларнинг Умумармия ўйинлари мусобақаси финалида иштирок этиш бўлса керак.

«Мини-футбол»

Омад ёр бўлсин, йигитлар!

Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилаётган мини-футбол бўйича Осиё чемпионатининг гуруҳ босқичи низоҳисига етди. Ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз муваффақиятли тўп суришмоқда.

Гуруҳда Ливан устидан 5:1, Жанубий Корея термасидан 4:3 ва малайзиялик футболчилардан 10:0 ҳисобида устун келган Александр Петров шогирдлари 9 очко билан чорак финалга чиқишди. Энди футболчиларимиз бугун «Д» гуруҳида иккинчи поғонадан жой олган хитойликларга қарши майдонга тушишади.

«Турон яккакураши»

Кучлилар Чимкентга боради

Яқинда Тошкент вилоятидаги Келес шаҳрида турон яккакураши бўйича вилоят очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Баҳсларда Тошкент вилояти ва шаҳри клубларидан 300 нафарга яқин ёш яккакураш усталари иштирок этишди.

Икки кун давом этган беллашувлар якунида Раҳмонали Содиқалиев, Фаррух Йўлдошев, Абдумалик Абдувалиев, Маҳмуд Исроилов, Арслон Бекниёзов, Аббос Шафоатов, Ойбек Аҳмедов, Қобил Даминов, Нурбек Ҳабибуллаев, Зокир Сартоев, Умида Толипова, Матлуба Иноғомжонова каби спортчилар шохсупанинг энг юқорисидан ўрин олишди.

Ғолиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчилари — Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилоят филиали томонидан таъсис этилган медал, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.


Энди мусобақа ғолибларидан тузилган Тошкент вилоят терма жамоаси 17-20 май кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтадиган халқаро турнирда иштирок этишади.



«Теннис»

Энди бизда ҳам бор

Айни кунларда Президентимизнинг «Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича ишлар қизғин паллага кирди. Биз бу ҳақда Ўзбекистонда теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш фондининг бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, мамлакат аёллар терма жамоаси бош мураббийи Самиг АБИДОВ билан суҳбатлашдик.



— Қарор ҳаммамизни хурсанд қилди, — деди суҳбатдошимиз. — Чунки бугун ўзбек теннисчилари нафақат Осиёда, балки жаҳон кортларида муваффақиятга эришмоқда. Масалан, 14 ёшгача бўлган қизлар терма жамоамиз Хитойда ўтган мусобақада, Жаҳон кубогининг Осиё-Океания минтақасида 2-ўринни олишди ва финал йўлланмасини қўлга киритишди. Энди улар август ойида Чехияда дунёнинг кучли 16 та давлатлари қаторида ғолиблик учун кортага чиқишади. Йил бошида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси «Норасмий жаҳон чемпионати» номини олган Федерация кубоги, Осиё-Океания минтақасида биринчи ўринни эгаллашганди. Бу натижа илк бор қайд этилганини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Президентимизнинг Қарори теннисни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши аниқ. Қолаверса, вилоятларда ярқ этиб порлаган иқтидор эгаларининг ёши улғайиб борганда «йўқолиб» қолиши олди олинади. Биз август ойида вилоятлардаги мураббийлар учун семинар ташкил этамиз ва улар зиммасига Республика Олимпия захиралари теннис мактабига муносиб ўқувчиларни тавсия этиш вазифаси юклатилади.

— Республика Олимпия захиралари теннис мактабида ўқиш неча йиллик ва унга ўқувчилар қандай қабул қилинади?

— Бу йил Республика рейтингига юқори поғоналарда турган ўн икки нафар теннисчи ҳамда Федерация мураббийлар ҳайъати томонидан танланган саккиз нафар ўғил-қиз ўқишга қабул қилинади. Машгулотларда қатнашиш, овқатланиш ва ётиш масалалари Олимпия теннис мактабига тегишли бўлса, ўқувчилар ўрта таълимни Тошкент теннис маркази атрофидаги умумтаълим мактабларидан олишади. Яъни, бу йил йигирма нафар ўқувчи еттинчи синфга қабул қилинса, келгуси йил улар саккизинчи синфга кўчишади. Биз янги еттинчи синф ўқувчиларини қабул қиламиз. Тўққизинчи синфдан сўнг ёш спортчилар бу ердаги таълимни тугатишади. Улар бизнинг йўлланмаларимизга кўра, тахсилни Олимпия захиралари коллежларида ўқиш орқали давом эттиришлари мумкин бўлади.

— Ўзингиз ҳам теннис ўйнагансиз. Болалигингиздаги машгулотларни эсласангиз...

— Акам иккимиз машгулотларга қатнай бошладик. Лекин бу узоққа чўзилмади.

Ўша пайтда теннис ҳозиргидек оммалашмаган эди. Бироз шуғулланиб, машгулотларни ташлаб кетдик. Қарангки, мураббийимиз Алексей Водников бизга хат йўллади. Унда «Болалар, теннисга қайтинглар, сиздан яхши теннисчи чиқади», деган сатрлар бор эди. Шунда отам бизларни чақириб, анча койиди ва биз теннисга қайтдик.

Ёдимда, 1971 йил ҳозирги Тошкент теннис Маркази ўрнидаги «Динамо» кортларида биринчи Республика мусобақасида қатнашгандим. Бугун худди шу жойда Республика Олимпия захиралари теннис мактаби қад кўтармоқда.

Биз «Ўзбекистон» спорт мажмуаси (Юнусобод) кортларида шогирдларига зарур кўрсатмаларни бераётган мураббий Юрий Любнцевнинг бўшагини кутдик ва фурсатдан фойдаланиб, унинг ҳам фикрларини ёзиб олдик.

— Юрий Геннадиевич, Ўзбекистонда республика Олимпия захиралари теннис мактаби иш бошлаяпти. Республика чемпионлари Дилёра Саидхўжаева, Антон Жамолов каби бир қатор теннис усталарининг мураббийи сифатида сизда ҳам мазкур мактабда ишлаш истаги туғилмадими?

— Очиги, қачонлардан бери хориждаги каби теннис Академияларининг Ўзбекистонда ҳам бўлишини орзу қилардик. Мана, орзумиз ушалмоқда. Президентимизнинг қарори вилоятлардаги теннисни янада ривожлантиришга, иқтидорли теннисчиларнинг машгулотлари сифатининг яхшиланишига хизмат қилади. Саволингизга келсак, юртимизда кучли мураббийлар кўп. Ўйлашимча, ҳар бир теннис мураббийи учун Республика Олимпия захиралари теннис мактабида ишлаш шарафдир.

◆ Табиат шифохонаси

Бодринг яшартиради

Қишин-ёзин дастурхонимизга кўрк бағишлаб турувчи бодрингнинг бунчалик севиб истеъмол қилинишига шифобахшлик хусусияти сабаб. У иштаҳани очувчи, таомни ҳазм қилувчи бўлиши билан бирга қонни тозаловчи ҳисобланади. Томирлардаги турли чўкмаларни бартараф этиб, ювиб юбориш хусусиятига эга. Шу билан бирга у бўгин ва бод касалликларини даволовчи ҳамда сийдик ҳайдовчи воситадир.

Таркибидаги пиктинлар ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, холестеринни танадан ҳайдайди, турли хасталикларнинг олдини олади. Айниқса, тери, соч, тишининг соғлом бўлишида кўмак бериб, қалқонсимон без касаллигидан асрайди. Ёғлар ва оксиллар сўрилишига ёрдам беради. Қабзиятда унинг нафи жуда катта.

Халқ табобатида бодринг ширасидан асабни тинчлантирувчи, ошқозон-ичак хуружидида оғриқни босувчи дори сифатида фойдаланилган. Ширасини асал билан аралаштириб истеъмол қилинса, нафас йўллари ва йўталга шифобахш таъсир кўрсатади. Кўйганга даво. Айниқса, косметикада бодринг кенг қўлланилади. Юзни тиниқ ва чиройли қилади.

Гулининг қайнатмиси безгакка наф беради. Пишган бодринг жигар хасталиклари, айниқса, сариқ касаллигига фойдали.

Равоч кўзни равшан қилади

Равоч ўзига хос шифобахшлик хусусияти билан ажралиб туради. Халқ табобатида қўлланган бу неъматдан замонавий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилади. Унинг таркибида саломатлик учун зарур бўлган олма ва шовул кислотаси, турли дармондорилар жуда кўп.

Аёллар касаллигини даволашда у энг ишончли доридир. Бачадондаги иллатларни йўқотишда унга тенг келадигани йўқ десак муболага бўлмайди. Шунингдек астма ва қон туфлашда, меъда заифлиги, ич оғриқлар, қичқоқда фойдалидир.

Равочнинг сиқиб олинган суви кўриш қувватини оширади. Сафроли ич кетишда, айниқса, қизамиқ ва чечакка наф қилади.

Илдизи сиркага қўшиб суртилса сепкил ва теридаги яралардан қолган доғларни кеткизади. Шу билан бирга илдизи ҳазмининг бузилишидан бўлган ич кетишда, дизентерия, ичак, бўйрак, қувукдаги оғриқлар ва қон кетишда шифобахш таъсир кўрсатади.

Шовул аллергияга қарши

Шовул шарбати одамнинг қувватини ошириб, чарчоғини ёзади. Шу билан бирга камқонликда, аллергия, тери кичишида фойдали.

Унинг илдизидан тортиб барги, уруғгача дориворлик хусусиятига эга. Шовул бактерияларга қарши, қон тўхтатувчи, оғриқни қолдирувчи, зангли (цинга) хасталигига яхши таъсир қилади, ичак ва жигарга даво. Авитаминоз, ичакдан қон оқиши, янги яралар, ангинада кенг қўлланилади. Қайнатмиси жигар касалликлари, аллергия ва тери кичишида (5 мгдан 4 маҳал) ичилади.

Илдизи оғриқни қолдирувчи, уруғи буриштирувчи, қон тўхтатувчи хусусиятга эга.

Хоразм-лик ўрта ср олими												Футбол жамоа	Ид-рок	
				Муваф-фақият		Кўрса-тиш ол-моши		“Шоҳно-ма” қаҳ-рамони	Нил дарёси тўғони					
					Арма-нистон тоғлиги								Жаво-ҳир	Шамол
	Олтин		Сита-нинг ёри					Спорт-тури	Тунис валю-таси					
				Мил-лат		Раж Капур фильми							Алоқа воси-таси	
	Обрў, эъти-бор		Тинимсиз					Илҳом маҳсули						
			Дарахт											
	Кўрса-тиш олмоши	Кулги қаҳра-мони			Жуфт эмас		Аёл исми							
Маъри-фатпар-вар шоир	Ширин-лик	Кўшиқ			Ораста-лик анжоми	Тасма ан-жом	Овоз ёзуви	... Бухор (қизиқчи)					Фази-лат	
					Оила қувон-чи							Ха-зи-на	... кўрки мақол	Дониш-манд-лик
Энг нозик ниҳоллар ҳам тошдай қаттиқ ерни, қояларнинг тошини ёриб ўсиб чиқади. Яхшилик ҳам ҳудди шундай. Ҳеч қандай тиг, ҳеч қандай гурзи, ҳеч қандай қурол инсон саховатининг қудратига тенг кела олмайди. Унга қарши туролмайди!														
Генри Дэйвид Торо														Давлат бошқару-ви тури
Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.														Бўёқ мод-да
	Азиз диёр		Махсу-лот на-мунаси	Зардуш-тийлик манбаи (китоб)	Ширин-лик								Афандига ҳайкал қўйилган шаҳар	
						Экватор атрофи-даги биёбон								
				Кели-шув тала-би					Ши-кор					
Қадим-даги ҳайдовчи		Йирт-қич		Мурват		Ҳажм бир-лиги		Мак-туб	Ҳарбий-денгиз кўшини					“Ақлли-си” бор аъзо
				Шеър ўлчови				Тинч						
				Электрод			Ижод йўна-лиши					Нота		
			Қуш жинси											
Вужуд				Инглиз адиби		Бўй	Мушиқа асбоби		Юриш-ту-риш			Матбаа ходими		
Темир йўл во-ситаси	Насл-насаб					Ўринли, жоиз	Даромад-дан тўла-надиган маблағ		Сўз тур-куми			Азиз ... (турк адиби)		
						Физик зарра	Камёб чўл жо-нивори							

Ана шунақа

Митти сигирлар

Зимбабвениянинг Булавайо шаҳрида ўтказилган савдо кўргазмасида кишилар эътиборини митти сигирлар ўзига қаратди. Бу жониворларнинг бўйи бир метрга етар-етмасдир.

Булавайолик фермер Кен Хармер ўз сигирларини дунёдаги энг митти сигирлар деб ҳисобламакда. У ана шундай сигирлардан 35 тасини етиштиришга муваффақ бўлди. Фермер улар селекцияси билан 15 йилдан бери шуғулланади. Яқин йиллар ичида янада кичикроқ сигирлар етиштирмакчи.

Хармернинг фикрича, унинг сигирлари митти бўлгани билан афзаллик томони кўп экан. Масалан, улар анча чидамли ҳамда кунига 10 литр сут беради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарма бошлигининг муовини Хайрулла Максумовга опаси

Волидахон ТОХИРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Республика «Меҳр ва мурувват» фонди ижро-чи директори Хайриддин Маъсудовга на-бираси

УМРБЕКнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маи-ший хизмат ходимлари ка-саба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Марказий кенгашнинг Сурхондарё ви-лоят вакиллиги ва «Сурхон-текстил» АЖ касаба уюшма кўмитаси «Сурхонтекст» кўшма корхонаси директори Жумадилла Худойбердиевга падари бузруквори

ХУДОЙНАЗАР бобонинг вафот этганлиги муносаба-ти билан таъзия изҳор эта-ди.

Кулгуга нима етсин



(19-25 май)

Аллергия

Шифокор:

— Хўш қаерингиз оғрийди?

Бемор:

— Ҳеч қаерим оғримайди. Фақат эримни кўрсам аллергия тошаверади.

Дўхтир дейсизлар?

- Кеннойимнинг номлари йўқми, нукул дўхтир дейсизлар?
- Кеннойингизни касалхонада ётиб топганмиз.

Иложи йўқ

Эр-хотин жанжаллашмоқда.

- Сенга турмушга чиққандан кўра, алвастига теканим ҳам яхши экан.
- Буни сираям иложи йўқ. Чунки яқин қариндошларнинг никоҳи яхшиликка олиб келмайди.

Э-э, сўрама...

- Дугонажон ҳеч бўлмаса қандай яшаяпсан, деб сўрасанг-чи?
- Хўш, қандай яшаяпсан?
- Э-е, сўрама...

Бориб қара-чи...

Овчи шеригига қараб деди:

- Бориб қара-чи, отган ҳайвоним нима экан. У қайтиб келди:
- Қанақа ҳайвонлигини билмадим, аммо паспортига Майкл Эдвардс, деб ёзиб қўйишибди.

Тўхтанг, бирга борамиз!

Бир киши шифокорнинг қабулига кириб шикоят қила-япти:

— Дўхтир, юрагим оғрияпти...

Шифокор:

- Меникиям.
- Жигаримнинг ҳам мазаси йўқ...
- Мендаям шунақа.
- Бошим тарс ёрилай, деяпти...
- Мендаям шунақа.
- Биласизми, дўхтир, мен яхши-си, бошқа шифокорга бора қолай-а?!
- Тўхтанг, бирга борамиз!

Нима? Фойдаси борми?


Бир киши врач хузурига кирди.

— Дўхтир, оёқларим нима учундир қорайиб кетган, сира ўзгармаяпти. Бир кўриб қўйинг.

Врач кўзойнагини тақиб оёқларга разм солди, яна қаради ва сўради:

- Сиз ўзи бу оёқларни ҳеч ювганмисиз?
- Нима? Фойдаси борми?

Изоҳи сиздан...



Йин илтимос, менга халақит берманг, нима тегди, ваннада чўқмоқчиман. Им Бароқни, у эса алдаб кетди. Э уйланиб, мени тул ташлаб кетди.

си юз билан бош кўтариб юраман, и ўйласам, қандай ўйнаб куламан. нгиз, барибир, айтганимни қиламан, қизгонсангиз, бошқа ерда ўламан.

Содиқ ИСАЕВ,
рқанд мебел» АЖ директор ўринбосари

«Пишак» деб пишаверманг, Қайноқ сувга хўжайин. Ахир мен Олапардек Эмасман-ку бетайин.

Битим ҳам йўқ, йўқ бургам, Тушмам ванна ўлгурга. Сўғал тошиб юрмасин, Тагин сиздек суқсург.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шахри

Агар яна чўмилсам, Шамоллайман, кечиринг. Майли уринг, сўкинг, лек, Совуқ сувни ўчиринг.

Илҳомжон НУРМАТОВ,
Кибрай тумани

Бир кунда билдим сувни ўчиринг, қўйишни ҳам. Билмас одамлар кўпдир, Жумракни бурашни ҳам.

Фарҳод ПИРМАНОВ,
Булунгур тумани

Кўйворсанг-чи, ярамас, Балиқ бўлиб сузаман. Чўкиб кетсам ҳам фақат Бир ўзимдан кўраман.

Зокиржон ХОЛМАТОВ,
Чортоқ тумани Корос-кон кишлоғи

Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Ҳафта бошидаёқ маблагингиз кўпайишига сабаб бўладиган буюк режалар сизга тинчлик бермайди. Жума ва шанба кунлари ортиқча ваъда бериб юборишдан тийилинг. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги мебел жохозлари жойини ўзгартириш фикри туғилса, дарҳол ишга киришинг.

Имиджингизни ўзгартиринг. Ёз фаслига мос келадиган енгил кийимлар харид қилиш вақти келди. Сизни қўтлмаган совғалар кўтмоқда. Дам олиш кунлари уйда ўтиргандан кўра, сафарга чиқиб, табиатдан баҳра олишни маслаҳат берамиз. Спорт билан шуғулланг.

Ҳафта хизмат сафарларига чиқиш, шартномалар имзолаш, кўчмас мулк сотиб олиш учун жуда қулай. Уй-жой таъмирлаш ишларини мутахассис билан маслаҳатлашиб бошлаган маъқул. Дам олиш кунлари бўш вақтингизни оилангизга бағишланг.

Муҳаббат бобида ёқимли лаҳзалар сизни доводиратиб қўймасин. Ақл билан иш тутсангиз хатога йўл қўймайсиз. Соғлигингизга бефарқ бўлманг. Шифокор кўрсатмаларини тўлиқ бажаринг. Ҳар бир ишни ўз имкониятингиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширинг.

Узоқ айрилиқдан сўнг бўладиган учрашув сизга болалик даврингизни эслатади. Расмий доирада бўладиган учрашувларга кечикиб юрманг. Бу иш фаолиятингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳафта охирида фарзандларингиз билан табиат қўйида мириқиб дам оласиз.

Янги оила қуриш истагингизни яқинларингиз қўллаб-қувватлайдилар. Сешанба кўни йирик молиявий таклиф тушади. Бироқ чўқур мулоҳаза қилиб, сўнг қарор чиқарганингиз маъқул. Тадбиркорлик фаолиятингиз янада самара беради. Напижада даромадингиз ҳам ошади.

Фарзандлар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланг. Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этасиз. Оилангизда янги меҳмон дунёга келиши мумкин. Рафиқангиз кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларини яқинларингиз даврасида ўтказинг.

Ўйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш учун иқтидор ва билимингизни амалда қўллаш вақти келди. Пайшанба ва жума кунлари соғлигингизга эҳтиёт бўлинг. Зиддиятчи ҳодисалар юз беришни олдини олинг. Бўш вақтингизни кутубхонада ўтказинг.

Ўз истеъдод ва маҳоратингизни намоён этиш вақти келди. Ҳафта давомида ўтган ойдан қилиб кетган ташвишлардан ҳам қутуласиз. Дам олиш кунлари янги режалар туғилиши кутилмоқда. Гузаллик салонларига ташриф буюринг. Соч турмагингизни ўзгартиринг.

Душанба кўни дўстингиздан янги хабар эшитасиз. Иш юзасидан бўладиган таклифларга асло рози бўлманг, чунки сиз учун зарарли бўлиши мумкин. Муаммоларингизни яхши ҳолда ечишга ҳаракат қилманг. Дўстларингиз кўмагига таянинг. Отанонгизнинг ҳолидан хабар олинг.

Соғлигингиз ёмонлашаётганини ҳис этсангиз парҳез қилинг. Дам олиш кунлари шахсий автомобил ёки компьютер харид қилиш учун омадли бўлади. Яшанбада шаҳар ташқарисига чиқиб, кунни мазмунли ўтказинг. Исталган соҳада муваффақият қозониш учун билим зарурлигини унутманг.

Яқин кишингиз сиз учун қўтлмаган совға тайёрламоқда. Танқиддан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг. Камчиликлар устидан кўпроқ ишланг. Ҳафта ўртасида мақтов эшитишингиз, ҳатто мукофот олишингиз мумкин. Шейпинг, фитнес клубларга фарзандларингиз билан борсангиз соғлом бўласиз.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адиялова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Аҳбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - Д.Раҳмонова Мусаҳҳиш - Ш.Абдусаматов Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалилов Буюртма Г— 414 Тиражи: 17621 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.30 Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 6 7 8
---	--	---	--	---	--